*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

**Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи**

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ✦ 13 сентябрь 1973 йил, пайшанба ◆ № 216 (15.690). ◆ Баҳоси 2 тийин.

## ОБИДЖОН АКБАРОВ—ШТУРВАЛДА

БЎЗ. (**«Совет Ўзбекистони» мухбиридан телефон орқали олинди**). Андижонлик машҳур механизатор Обиджон Акбаров куни кеча Бўз районидаги «Партия XXIV съезди» совхозида машина теримини бошлади. Ў мавсумда «Ўзбекистон» маркали машинада 900 тонна пахта териш мажбуриятини олган. Бункердан тўкилган дастлабки тонналар юқори сортга қабул қилинди.

— Донгдор механизаторнинг совхозимизга келиши пахтакорларимиз орасида социалистик мусобақанинг кучайишига сабаб бўлди, — деди хўжалик бошлиғи Ҳафиз Полвонов, — механик-ҳайдовчиларимиз «зангори кема»ларини далага олиб чиқдилар. Бу йил етиштирилган ҳосилнинг ҳаммасини машиналарда териб олиш ниятимиз бор. Бу план ва мажбуриятнинг муддатидан илгари бажарилишини таъминлайди, фурсатдан ютилади, борлиқ ҳосил қора совуқ тушгунча саранжомлаб олинади. Ҳозир 25 та машина ишлаяпти.

Шу куни Мирзаахмедов номли совхозда 40 та, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Маннап Жалолов раислик қилаётган «Партия XX съезди» колхозида 15 та терим машинаси ишга туширилди. Дефолиация сифатли ўтказилгани учун машиналар юқори унумда ишлаяпти.

Тельман номли, «Ленин йўли» колхозларида ҳам машина терими оммавий равишда бошлаб юборилди.

## МАШИНА ТЕРИМИ ҒОЛИБЛАРИ

БУХОРО, (**«Совет Ўзбекистони» мухбири**). Свердлов райони механизаторлари КПСС Марказий Комитети маъқуллаган Ўзбекистон ССР механик-ҳайдовчиларининг мамлакат барча пахтакорларига мактубини зўр қониқиш билан муҳокама қилиб, икки қаторли агрегатларда 150 тоннадан, тўрт қаторли машиналар билан 250 тоннадан пахта териш мажбуриятини олдилар. Район партия комитети бу қимматли ташаббусни маъқуллади ва ҳар ўн кунда машина терими ғолибларини рағбатлантириш тадбирларини белгилади.

Сентябрнинг биринчи ўн кунлиги якунига кўра райондаги «Ўзбекистон» колхозининг механик-ҳайдовчилари Раҳмон Саноев билан Сафар Мақсудов энг юқори кўрсаткичга эришдилар. Улар кейинги уч кунда бункерлардан 50 тоннадан кўпроқ «оқ олтин» тўкишди. Мавсумда 400 тоннадан пахта теришга сўз берган ҳар икки механизатор «Ўзбекистон» маркали машина билан кунига 12-13 тоннадан пахта теряпти.

«Ўзбекистон» колхозида ҳозир 8 терим агрегати ишлаяпти. «Зангори кема»ларни моҳирлик билан бошқараётган Х. Шуқуров, Х. Жабборов, С. Мақсудов каби энг яхши механик-ҳайдовчилар ўзаро социалистик мусобақада пешқадамлик қилишяпти. Машиналар шарофати туфайли хўжаликнинг Ж. Оллоназаров, Ф. Омонов, М. Жўрақулов, Ҳ. Раҳматов ўртоқлар бошлиқ бригадалари давлатга кунига йиллик планнинг 5 процентидан ошириб пахта сотмоқдалар. Райондаги «Ленинград», Охунбобоев номли, Свердлов номли, Ҳамза номли колхозларнинг механизаторлари ҳам машина теримини уюшқоқлик билан давом эттирмоқдалар.

**Т. НАЗИРОВ.**

## МАЖБУРИЯТ ҲИСОБИГА

ТУРАҚУРГОН. (**«Совет Ўзбекистони» мухбири**). Райондаги Калинин номли колхознинг Маҳмуджон Эргашев бошлиқ бригадаси заршунослари йиллик планни ошириб бажардилар. 65 гектар янги ўзлаштирилган адир ернинг ҳар гектаридан 16,5 центнер «оқ олтин» хирмони кўтарилди.

Эришилган ютуқда мавсумда 10-12 тоннадан пахта териб бериш мажбуриятини олган Ҳалима Воҳидова, Майрамхон Шокирова, Мавлуда Солиева, Майрамхон Турсунова сингари чевар қизларнинг ҳиссаси катта бўлди. Уларнинг ҳар бири эл хирмонига 900-1000 килограммдан пахта териб топширдилар.

Бригада коллективи ўз имкониятларини чамалаб кўриб, яна 76 тонна пахта тайёрлаш ва шу тарика ҳосилдорликни 30 центнерга етказиш мажбуриятини олди.

**О. ЖУМАНАЗАРОВ.**

Қорақалпоғистон АССР. Тўқкизинчи беш йилликнинг ҳал қилувчи учинчи йилида гектаридан 40 центнердан ҳосил кўтаришга аҳд қилган Амударё районидаги Энгельс номли колхоз пахтакорлари йигим-теримни кун сайин қизитмоқдалар. А. Жуманиёзов етакчилик қилаётган 2-бригада коллективи терим мавсумида пешқадамлик қилмоқда. Суратда: илғор теримчилар ВЛКСМ аъзолари (чапдан ўнгга) Уразбека Уразимбетова, Боғдагул Уразбоева ва Ҳайитбеги Раҳимовалар ҳирмонда.

А. Лихвар фотоси. (ЎзТАГ).

**БОЛГАРИЯ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ БИРИНЧИ СЕКРЕТАРИ БОЛГАРИЯ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ КЕНГАШИНИНГ РАИСИ**

### *ЎРТОҚ ТОДОР ЖИВКОВГА*

**БОЛГАРИЯ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ РАИСИ**

### *ЎРТОҚ СТАНКО ТОДОРОВГА*

**СОФИЯ шаҳри.**

**Азиз Ўртоқ Живков!**
**Азиз Ўртоқ Тодоров!**

**Социалистик Болгария давлатининг олий мукофоти — Болгария Халқ Республикасининг Қаҳрамони унвони менга берилганлиги тўғрисидаги хабарни, шунингдек шу муносабат билан Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитетининг, Болгария Халқ Республикаси Давлат Кенгашининг ва Министрлар Советининг менга йўллаган гоят қизғин қардошлик табригини эшитиб ниҳоят даражада тўлқинландим. Сиз, азиз ўртоқлар ва қардошлардан бу фахрий мукофот учун менинг самимий ташаккуримни қабул этишингизни сўрайман. Мен бу мукофотни Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг коммунизм қуришга қаратилган йўлига берилган юксак баҳо ва мадад деб, партиямиз ва Совет давлати улуғ Ленин васиятларини адо этиб, КПСС XXIV съезди маъқуллаган Тинчлик программасини амалга ошира бориб изчиллик билан ўтказиб келаётган тинчликсевар социалистик ташқи сиёсатга берилган юксак баҳо ва мадад деб биламан. Мен бу фахрий мукофотни ҳар бир совет кишисининг қалбига шу қадар яқин бўлган, оталаримиз, боболаримиз ва боболаримиздан бизга мерос бўлиб ўтган ва социализм қўёши остида мислсиз янги куч билан гуллаб яшнаган бузилмас совет — болгар дўстлигини туташтирувчи яна бир халқа деб биламан.**

**КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети номидан Сизларни, ўртоқлар, ишонтириб айтаманки, Ленин партияси ва зафар топган социализмнинг биринчи мамлакати ўзининг социалистик қардошлари ва иттифоқчилари билан ёнма-ён туриб, бутун дунёдаги тараққийпарвар ва тинчликсевар кучларнинг бирдамлигига ва мададига таяниб, социализм ва коммунизм иши учун, барча халқларнинг эркинлиги, мустақиллиги ва тараққиёти учун, халқаро муносабатларда тинчлик, ақл-идрок ва адолатнинг тантана қилиши учун курашни, бутун куч-ғайратни сарфлаб изчиллик билан ва огишмай давом эттираверадилар. Сиз, азиз дўстлар ва сафдошларга ўз томонимдан шуни айтмоқчиманки, мен бутун кучимни мана шу улуғ ишнинг тантанаси учун курашга сарфлайман.**

**Совет Иттифоқи ва Болгария Халқ Республикаси халқларининг бузилмас дўстлиги кундан-кунга кучаяверсин ва тобора кўпроқ равнақ топаверсин!**

**Совет ва болгар коммунистларининг жанговар иттифоқи ҳар доим пўлатдек маҳкам бўлаверсин ва қуёш нури каби ҳаётбахш бўлаверсин!**

**Қардош болгар халқига Георгий Димитровнинг шонли партияси етакчилигида социалистик қурилишда чин кўнгилдан янги катта муваффақиятлар тилайман.**

**Сиз, азиз ўртоқларни жон-дилимдан қучоқлаб,**
**Коммунистик салом билан**

**Л. БРЕЖНЕВ.**

**1973 йил, 11 сентябрь.**

## Л. И. БРЕЖНЕВ АФҒОНИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШЛИҒИНИНГ МАХСУС ВАКИЛИ МУҲАММАД НАИМНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев Афғонистон Республикаси давлат бошлиғи ва бош министри Муҳаммад Довуднинг махсус вакили Муҳаммад Наимни 11 сентябрда Қримда қабул қилди.

Суҳбатда Афғонистон томонидан Афғонистон Республикаси ташқи ишлар министрининг ўринбосари С. В. Абдулла, Совет томонидан СССР ташқи ишлар министрлиги Ўрта Шарқ мамлакатлари бўлимининг мудири В. И. Минин қатнашдилар.

## КИМ ИР СЕН И. Т. НОВИКОВНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

ПХЕНЬЯН, 11 сентябрь. (ТАСС). Корея Меҳнат партияси Марказий Комитети бош секретари, Корея Халқ Демократик Республикаси Президенти Ким Ир Сен бугун КПСС Марказий Комитети аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, ҚХДРнинг 25 йиллиги байрами тантаналарида совет делегациясига бошчилик қилаётган И. Т. Новиковни қабул қилди.

Суҳбат чоғида томонлар Совет Иттифоқи билан ҚХДР халқлари, партиялари ва ҳукуматлари ўртасида дўстлик ва ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш масалалари тўғрисида, шунингдек ҳар икки томонни қизиқтирган бир қанча халқаро проблемалар тўғрисида фикрлашиб олдилар. Суҳбат самимий, дўстона вазиятда ўтди.

*МЕХАНИЗАТОРЛАР МУСОБАҚАСИ*

## ГВАРДИЯЧИЛАР ЖАСОРАТИ

Тўқкизинчи беш йилликнинг ҳал қилувчи учинчи йилида она-Ватанимизга кўпроқ «оқ олтин» етказиб бериш учун ҳар бир ишчи, ҳар бир механизатор шахсий мажбуриятлар қабул қилган. Ана шу мажбуриятларнинг қандай бажарилаётганлиги совхоз дирекцияси, партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари томонидан кўриб чиқилади ва мусобақа ғолиблари рағбатлантирилади. Ҳар йили биз шундай қилмоқдамиз.

Бу йил 3642 гектар майдонга чигит эккан эдик. Экиш агротехника қоидалари асосида қисқа муддатда ўтказилди. Ҳар гектар майдонда мўл ҳосил тўпланиши таъминланди. Йил бошида гектаридан олинадиган ҳосилни 30 центнерга етказиш, совхоз бўйича эса 11000 тонна пахта етиштириш юзасидан социалистик мажбурият қабул қилган эдик. Лекин ҳосил чўғини чамалаб кўриб, бу мажбуриятни ўзгартиришга тўғри келди. Ҳар гектар майдондан олинадиган ҳосилни 35 центнерга етказиш, она-Ватанга камида 13 минг тонна «оқ олтин» армуғон қилишга қарор қилдик.

Пахта йигим-теримини қисқа муддатда ўтказиш, етиштирилган ҳосилни нобуд қилмай йиғиб-териб олишда деҳқонларимиз техникага таянмоқдалар. Пахта териш агрегатларидан унумли фойдаланмоқдалар. Совхозимиз механизаторлари бу йил ялпи ҳосилнинг 80 процентини, яъни 10400 тонна пахтани «зангори кема»ларда териб олишга аҳд қилишган.

Хўжалигимизда 72 та пахта териш агрегати бор. Шундан 66 таси тўрт қаторли «Ўзбекистон» машинаси, 6 таси «ХТ-1,2» маркали агрегат. Яна 6 та янги машина сотиб оламиз. Мавсумда пахта далаларида 78 та машина ишлайди. Мавжуд техника пахта йигим-теримига олдиндан шайлаб қўйилди.

Совхозимизда техника тилини яхши билган механик-ҳайдовчилар анчагина бор. Масалан, Турдибой Дўстжонов, Қуролбой Сарибоев, Қолбой Ешмуродов, Собир Каримбоев, Узоқбой Маҳатов сингари механизаторларнинг ҳар бири ўтган йили машина билан 160-190 тоннадан ошириб пахта теришган бўлса, бу йил мавсумда улар ҳар бир машинанинг иш унумини 250-300 тоннадан оширишмоқчи. Лафси ҳалол механизаторларимиз, албатта, ваъдага вафо қиладилар. Чунки, бу йил ҳосил 15-20 кун олдин пишиб етилди. Ҳосилнинг чўғи ҳам баракали. Бултур совхоз бўйича ҳар бир агрегат ёрдамида 67 тоннадан пахта териб олинган эди. Бу йил эса, ҳар бир пахта териш агрегатининг иш унумини камида 140 тоннадан оширишни мўлжаллаяпмиз.

Совхозимиз бўлимларида баракали ҳосил пишиб етилди. Хўжалигимизнинг Нариманов номли, «Ленинград» ва «Озод» бўлимларида ҳар гектар майдонда 38-42 центнердан ҳосил тўпланди. Бу бўлимларда мавжуд ҳосилнинг 85-90 процента «зангори кема»ларда териб олинади. Бўлимларда 45-50 центнерчилик ҳаракати бошланган. Шомурод Гелдиев, Соли Ешмуродов, Ғанибой Мадаминов, Қоражон Бўғораев, Айтжон Сейитов бошлиқ бригадалар коллективлари бу ташаббусга тўла қўшилганлари ҳолда, пахта йигим-теримини уюшқоқлик билан бошлаб юборишди.

Бу йил машина теримида «зангори кема»ларнинг группа усулида ишлашини таъминлаймиз. Ҳар бир группада 4-5 тадан агрегат бўлади. Агрегатларнинг группа усулида ишлаши натижасида иш унуми ортади, тонналарга-тонналар қўшилади. Машиналарнинг унумли ишлашини таъминлаш мақсадида ҳар группага биттадан кўчма установка бириктилди. Уларга мунтазам раҳбарлик қилиб туриш учун биттадан механик тайёрланди. Бу тадбирлар мавсумда техниканинг узуксиз ишлашини таъминлайди.

Терилган ҳосилни қабул пунктларига етказиб туришни бункер-тележка пахта қабул қилиш пункти усулида ташкил этамиз. Бунда 80 та трактор тележкаси, 20 та автомашина хизмат қилади.

Ҳа демай «зангори кема»лар пахтазорга олиб чиқилади. План бўйича бу йил 6100 тонна пахта машинада териб олиниши керак. Оширилган мажбурият бўйича 10400 тонна пахта бункерлардан тўкилади. Бу, пландагидан 4300 тонна кўпдир. Ана шу пахтани қўл билан териб олганимизда 262.300 сўм сарф қиларди. Машина билан териб олганимизда эса 10449 сўм сарф қилинади, холос. Демак, совхозимиз бундан 251851 сўм маблағни тежаб қолади. 4300 тонна пахтани биринчи сортга сотишимиз эвазига яна 539 минг 220 сўм қўшимча даромад қилишимиз мумкин.

Биз пахта йигим-теримини қизғин бошлаб юбордик. Бригада ва бўлимлар ўртасида социалистик мусобақа янада кучайтирилди. Мусобақа ғолибларини мукофотлаш учун ўчта кўчма Қизил байроқ таъсис этилди. Социалистик мусобақа шартларининг қандай бажарилаётганлиги ҳар беш кунда кўриб чиқилади. Мусобақа ғолиблари бўлган механизаторларга кўчма Қизил байроқ, 20 сўмдан пул ва бошқа қимматбаҳо буюмлар бериб борилади.

Механик ҳайдовчиларнинг унумли ишлашлари учун барча шарт-шароитлар яратиб берилди. Иссиқ овқатлар ташкил қилинди, уларнинг яхши дам олишлари учун дала шийпонларида маданий хизмат йўлга қўйилди.

Совхозимиз ишчилари ва механизаторлари сентябрь ойида давлатга пахта топширадилар. Планни 12 октябрда, социалистик мажбуриятни эса бироз кейинроқ бажарадилар.

**Е. АИТЖОНОВ,**
**Шуманай районидаги Киров номли совхоз директори,**

**Қ. ҚОЗОҚБОЕВ,**
**Совхоз партия комитети секретари,**

**С. УТАГАНОВ,**
**Совхоз бош инженери.**

## 4.750 минг тонна учун

**Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида 1973 йил 11 сентябрга бўлган МАЪЛУМОТ**

(Планга нисбатан процент хисобида)

Биринчи стун — областлар, иккинчи стун — бир кунда, учинчи стун — мавсум бошидан, шу жумладан машина терими: тўртинчи стун — бир кунда, бешинчи стун — мавсум бошидан.

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| Қашқадарё | 2,25 | 21,17 | 0,91 | 2,53 |
| Андижон | 1,71 | 13,65 | 0,35 | 0,66 |
| Сурхондарё | 1,45 | 13,27 | 1,24 | 4,13 |
| Бухоро | 1,16 | 11,10 | 0,35 | 0,82 |
| Фарғона | 1,19 | 10,02 | 0,05 | 0,09 |
| Наманган | 1,30 | 6,85 | 0,17 | 0,38 |
| Хоразм | 0,85 | 4,10 | — | — |
| ҚҚ АССР | 0,58 | 3,22 | — | — |
| Сирдарё | 0,27 | 1,36 | 0,06 | 0,08 |
| Тошкент | 0,24 | 1,00 | — | — |
| Самарқанд | 0,32 | 0,45 | — | — |
| Республика бўйича: | 1,02 | 7,73 | 0,25 | 0,68 |
| Шу жумладан нигичка толали пахта: | | | | |
| Сурхондарё | | 1,06 | 15,10 | |
| Қашқадарё | | 1,47 | 13,89 | |
| Бухоро | | 0,17 | 1,12 | |
| Республика бўйича: | | 1,07 | 13,35 | |

**Республика областларида дефолиациянинг бориши тўғрисида шу йил 1 сентябрга бўлган МАЪЛУМОТ**

Биринчи стун — областлар, иккинчи стун — дефолиация қилинган майдон (гектар хисобида), учинчи стун — бажарилиш процента.

| | | |
|---|---|---|
| СИРДАРЁ | 211702 | 109,7 |
| Тошкент | 111802 | 86,0 |
| Андижон | 93785 | 81,6 |
| Қашқадарё | 50994 | 72,9 |
| Сурхондарё | 61080 | 61,1 |
| Бухоро | 55397 | 53,3 |
| Наманган | 48425 | 46,1 |
| Фарғона | 47348 | 40,8 |
| Хоразм | 26649 | 38,1 |
| ҚҚ АССР | 33527 | 30,5 |
| Самарқанд | 27601 | 23,2 |
| Республика бўйича | 768310 | 62,4 |

## ДЎСТЛИК ЭШЕЛОНЛАРИ

ЛЕНИНСК, (ЎзТАГ). Ўтган куни Асака станциясидан янги ҳосил пахта толаси ортилган состав Иваново тўқимачиларига жўнатилди. «Минглар шартномаси — амалда», «Андижон билан Иваново — биродарлашган шаҳарлар», «Маннон Жалолов билан Зоя Пухова издошларининг сафлари кенгайиб бораверсин!» деган ёрқин шиорлар вагонларни безаб турибди.

Эшелонни жўнатиш олдидан станцияда кўп кишилик митинг бўлиб ўтди. Бу митингда Андижон область партия комитетининг биринчи секретари Б. Раҳимов область пахтакорлари билан Иваново тўқимачиларининг қардошлик дўстлиги ҳақида гапирди. Улар «Минглар шартномасини мазолаб, ўзаро мусобақа бошладилар. Дала меҳнатчилари беш йилликнинг ҳал қилувчи, учинчи йилида 600 минг тонна Андижон пахтасини давлатга топширишга аҳд қилдилар.

Мана, қаҳрамонона меҳнатнинг дастлабки натижалари — 1200 тонна сифатли тола тўқимачилар ўлкасига жўнатилмоқда. Фарғона ва Наманган областининг меҳнатчилари бунга яна шунча тола қўшадилар.

Колхозларнинг вакиллари митингда сўзга чиқиб, социалистик мусобақа авж олдирилаётганлиги тўғрисида, мўл ҳосил мисли кўрилмаган қисқа муддатда йиғиштириб олиниши ва унинг асосий қисми машинада териб олинажаги ҳақида гапирдилар.

Область пахта тозалаш заводларининг коллективлари «Минглар шартномаси» бўйича илгари ўз зиммаларига олган мажбуриятларини қайта кўриб чиқиб, йил охиригача мамлакатдаги тўқимачилик корхоналарига 70 минг тонна ёки топширикда кўзда тутилганидан 10 минг тонна кўп юқори сифатли «оқ олтин» етказиб беришга қарор қилдилар.

Семафорда яшил чироғ ёнади — йўл очиқ: қарнай-сурнай садолари остида эшелон олис сафарга жўнайди. Шу составдан кейин пахта ортган бошқа составлар ҳам мамлакат фабрикаларига йўл олади. Лекин бу состав айниқса диққатга сазовордир. Чунки у Фарғона водийсидан бу йил жўнаётган биринчи составдир.

...Деҳқонлар қилган меҳнат самараси ортилган состав жўнаб кетди. Орадан бир соат ўтгандан кейин эса тепловоз шу станцияга Россиядан катта эшелонни олиб келди. Бу эшелонда қурилиш ва заводлар учун мўлжалланган машиналар, станоклар бор эди. Бу ерда Ивановодан келган вагонлар ҳам бор эди. Нафис тола Ўзбекистонга ранг-баранг газлама шаклида қайтиб келмоқда.

Андижон пахта тозалаш заводи коллективи йил охиригача мамлакатимиз тўқимачилик корхоналарига пландаги 60 минг тонна ўрнига 70 минг тонна юқори сифатли тола етказиб беришга қарор қилишган. Куни кеча Асака темир йўл станциясида янги пахта толаси ортилган биринчи карвон Иваново шаҳрига йўл олди. Суратда: биринчи эшелонни кузатиш пайти.

Р. Ашуров фотоси. (ЎзТАГ).



## БУХОРО ПОЛИЗЧИЛАРИ ВА БОҒБОНЛАРИНИНГ ҒАЛАБАСИ

БУХОРО, («Совет Ўзбекистони» мухбири). Бухоро областининг полизчилари ва боғбонлари қишлоқ хўжалик ходимларининг Бутуниттифоқ социалистик мусобақасига қўшилиб, катта зафар қучдилар. Область полизчилари давлатга 15 минг тонна ўрнига 16,2 минг тонна қовун-тарвуз, боғбонлар эса халқ хўжалиги планида нўзда тутилган 4400 тонна ўрнига 5600 тонна мева топшириб, бу соҳадаги йиллик планларини муддатидан илгари ошириб бажардилар. Ўтган йилнинг шу даврдагига нисбатан 1200 тонна полиз маҳсулоти, салкам 2 минг тонна мева кўп тайёрланди. Эришилган муваффақиятга Ромитан, Ғиждувон, Свердлов, Шофиркон, Қизилтепа ва Навоий районларининг полизчилари ва боғбонлари салмоқли ҳисса қўшдилар.

Область матлубот кооперациясининг ходимлари мамлакатимизнинг марказий саноат шаҳарларига ўтган йилдагидан 1,2 ҳисса кўп қовун-тарвуз, хўл мева ва сабзавот маҳсулотлари жўнатдилар. Бу— бухороликлларнинг қардош халқлар олдидаги интернационал бурчларига содиқлигининг ифодасидир.

Бухоро полизчилари, боғбонлари имкониятларини чамалаб чиқиб, планга қўшимча яна 1500 тонна қовун-тарвуз, 2 минг тоннага яқин хўл мева тайёрлаш мажбуриятини олдилар.

## МАККАЖЎХОРИКОРЛАР ЗАФАРИ

НАМАНГАН, («Совет Ўзбекистони» штатсиз мухбиридан). КПСС XXIV съезднинг тарихий қарорларини турмушга татбиқ эта бориб, қишлоқ хўжалик ходимларининг Бутуниттифоқ социалистик мусобақасига қўшилиб ишлаётган Наманган областининг маккажўхорикорлари маккажўхори дони сотиш бўйича зиммага олган мажбуриятларини ошириб бажардилар. Тайёрлов пунктларига 6 минг тонна юқори сорт дон етказиб берилди. Бу, 1972 йилдагига нисбатан ўн бир баравар кўпдир. Ҳосилдорлик гектар бошига 70 центнерга етди.

Область маккажўхорикорлари 18,8 минг тонна маккажўхори дони ва 380 минг тонна кўкпоя етиштирдилар. Силос учун экилган маккажўхоридан гектар бошига 400 центнердан кўкпоя олинди.

Тўрақўрғон райони маккажўхорикорлари катта муваффақиятга эришдилар. Улар ҳар гектар ердан 85 центнердан дон ҳосили йиғиштириб олдилар. Наманган ва Норин районларининг деҳқонлари ҳам ҳосилдорликни гектар ҳисобига 80 центнерга етказдилар.

Наманган районидаги «Ленинград», Свердлов номли, «Қизил байроқ», Норин районидаги «Ўзбекистон», Поп районидаги Ленин номли, «Москва», Тўрақўрғон районидаги Карл Маркс номли, «Ўзбекистон», Уйчи районидаги Охунбобоев номли, Учқўрғон районидаги Ленин номли колхозларнинг маккажўхоридан мўл ҳосил етиштиришдаги тажрибалари диққатга сазовордир. Мазкур хўжаликлар гектар бошига 100 центнер ва ундан ошириб маккажўхори ҳосили олдилар.

Чуст районидаги «Ленин йўли» колхозининг Исроилжон Машарипов бошлиқ бригадаси коллективи 100 гектар ерда деҳқончилик қилиб, ҳар гектар ҳисобига 105 центнердан маккажўхори дони етиштирди ва шу соҳа бўйича социалистик мажбуриятини ошириб бажарди.

**А. МАДУМАРОВ.**

Суратда: Хива тикувчилик фабрикасининг меҳнатсевар мастери Дилбар Жуманиёзова. Бу илғор қиз смена топшириқларини муттасил 120-130 процентга етказиб бажармоқда. Ш. Раҳимов фотоси.

*Партия турмуши: ҳисобот ва сайловлар*

# ЮКСАК МАСЪУЛИЯТ ҲИССИ

Тошкент қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводи коллективи йилдан-йилга катта меҳнат муваффақиятларини қўлга киритмоқда. 1972 йил ишлаб чиқариш планини ортиги билан ўринлаган корхона ишчилари ва инженер-техник ходимлари беш йилликнинг учинчи йили етти ойлик планини ҳам шараф билан адо этдилар. Шу муддат ичида планга қўшимча 607 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди ва унинг таннархи анча арзонлаштирилди. Пахта териш машиналари бунёдкорлари салкам икки йилдан буён Бутуниттифоқ трактор ва қишлоқ хўжалиги машинасозлиги министрлигига қарашли корхоналар ўртасидаги социалистик мусобақада ҳам карвонбошилик қилаётирлар.

Кечагина шу корхона техника контроли бўлими коммунистларининг ҳисобот-сайлов йиғилиши бўлиб ўтди. Унда ҳисоб берган партия бюроси секретари Г. Никитина ташкилотнинг ҳисобот давридаги фаолиятига яқин ясаб, ташкилий-тарбиявий ишда эришилган ютуқ ва камчиликларни чуқур таҳлил қилиб берди.

Партия бюроси ўз фаолиятида КПСС XXIV съезди кўрсатмаларига қатъий амал қилиб келмоқда. Коллективни энг асосий вазифа — маҳсулотнинг юксак сифатли бўлиши учун курашга сафарбар этаётир. Меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, социалистик мусобақани ташкил этишни такомиллаштириш, партия аъзоларининг авангардлик ролини кучайтиришга ҳаракат қилмоқда.

Бўлимдаги иккита коммунистик меҳнат бригадаси ва 80 коммунистик меҳнат зарбдори Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги шарафига меҳнат вахтасида турбо ишламоқда. 210 кишини бирлаштирган 12 та бригада эса коммунистик меҳнат коллективи деган фахрли номга сазовор бўлиш учун курашаётир. Контролёрлари зиммаларидаги вазифани малакали адо этишлари учун бўлимда малака ошириш курси ташкил этилди. Унга жалб қилинган 40 йигит-қизнинг ҳаммаси имтиҳонларни муваффақиятли топшириб разрядларини оширдилар.

Партия ташкилоти фаолиятини янада кучайтириш, коммунистларнинг ташаббускорлиги ва авангардлигини ошириш, уларнинг қоявий жиҳатдан камолотга эришувларида партия ҳаётидаги энг муҳим давр — партия ҳужжатларини алмаштиришга ҳозирлик кўришнинг аҳамияти катта бўлди. Шу муносабат билан ўтказилган партия йиғилишлари, коммунистлар билан якка тартибдаги суҳбатлар, КПСС аъзоларининг хизмат вазифалари ва Устав талабларига риоя қилишларини кучайтирди. Уларнинг активлиги ва масъулиятини оширди.

Партия бюроси эришилган ютуқларни мустаҳкамлаш ва оммалаштиришга алоҳида эътибор бермоқда. Шу мақсадда Устав талабларига ҳамма вақт ҳам риоя қилмаётган кишиларга нисбатан талабчанлик кучайтирилди, техника контроли бюроси бошлиқларидан тўрт кишининг ҳисоботи эшитилди. 14-цехдан Светлана Зелинская, 6-цехдан Тамара Уколова ва бошқалар ишни қандай ташкил этаётганликлари ҳақида ахборот бердилар. Бундан ташқари зиммаларида партия топшириқлари бўлган коммунистлар ишчи-ёшлар мактабига биркитилган Галина Васильева, деворий газета бўйича масъул Светлана Клеменко, коммунистик меҳнат мактабига биркитилган Яков Карбер кабилар ҳам бюро мажлисида ҳисоб бердилар. Партия бюроси муҳокама қилинган ана шундай масалалар юзасидан конкрет қарорлар қабул қилди.

Цех партия ташкилоти ўз фаолиятида ютуқлар билан бирга баъзи камчиликларга ҳам йўл қўйди. Йигилишда ҳисоб берган партбюро секретари ҳам, музокарага чиққан нотиқлар ҳам бу ҳақда юз-кўзира қилмай ошкора гапирдилар. Уларнинг кўпчилиги партия ташкилотининг фаолияти кучайганлигини таъкидлаш билан бирга ташкилот ишини янада фаоллаштириш, маҳсулот сифатини яхшилаш, меҳнат унумдорлигини ошириш ва вақтида ҳал этилмаётган масалалар ҳақида тўхталдилар. Брак маҳсулотни кескин камайтириш музокарага чиққан коммунистларнинг диққат эътиборида бўлди.

— Маҳсулотнинг юксак сифатли бўлиши учун кураш, — деди контролёр И. Лобода, — бизнинг энг асосий вазифамиздир. Ҳисобот даврида брак маҳсулот ишлаб чиқариш анча камайди. Аммо, биз мавжуд имкониятлардан тўла фойдаланилмаётганини тан олишимиз лозим. Менинг фикримча партия бюроси коммунистлар билан янада яқиндан боғланиб, уларни маҳсулот сифати қандай бўлаётганлигидан мунтазам хабардор қилиб туриши керак. Ҳолбуки, баъзан сифатга эътиборсизлик билан муносабатда бўлиниши ҳақида ёзилган ҳужжатлар ҳеч кимнинг назаридан тушмай қолиб кетмоқда. Корхона цехлари партия ташкилотлари бу камчилик ёки эътиборсизликдан бехабар қолмоқдалар. Иш юзасидан ахборот бериб туришнинг йўлга қўйилиши маҳсулот сифати учун курашда самарали натижа бериш мумкин.

Нигув цехи контроль аппарати хизматчиси А. Бузелев ҳам маҳсулот сифати учун курашда йўл қўйилаётган камчиликлар ҳақида тўхталди.

— Заводда бор-йўғи 392 ишчи ишлаб чиқарган маҳсулотини техника контроли сўлимисиз топшириш ҳуқуқини қўлга киритган. Ҳолбуки, бу ишчилар корхона коллективининг жуда оз қисмини ташкил этади. Сифат қуйлари уюшқоқлик билан ўтказилмайди. Сифатни яхшилаш учун қилинган қимматли таклифлар доимий назоратга олинмаётир.

15-цех техника контроли бюроси бошлиғи И. Анисфельд партия бюроси ишлаб чиқарилаётган деталлар ва қисмларнинг завод сифат белгиси даражасида бўлишига эришиш учун етарли таъсир кўрсатмаётганини таъкидлади. Шунингдек, партия бюроси ҳалқ контроли группаларига раҳбарлик фаолиятини кучайтириши, назорат ишларининг кенг ошкоралигига эришиши лозимлиги кўрсатиб ўтилди.

**Г. ДЕМИДОВ,**
**«Совет Ўзбекистони»нинг штатсиз мухбири.**

ЎЗБЕКИСТОН ССР ҚУРИЛИШ ҲАМДА КОММУНАЛ ХЎЖАЛИК МИНИСТРЛИКЛАРИ ДИҚҚАТИГА

# ҚИШДА ҚИЙНАЛМАЙ ДЕСАНГИЗ...

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети республика халқ хўжалигининг барча тармоқлари қатори коммунал иситиш қозонларини тайёрлаш, қуриш ва ишга туширишга ҳам катта эътибор бериб келмоқда. Иссиқлиқ таъминоти объектларини, ўз вақтида фойдаланишга топшириш шу кунниг энг муҳим вазифаларидан бири саналади. Халқимиз «Қиш ғамини ёзда е» деб жуда тўғри айтган. Ҳозирги ғанимат кунларда тегишли қозонхоналарни ва иссиқлиқ таъминоти тармоқларини қуриб, ўз вақтида ишга туширишга жуда катта аҳамиятга эга.

Афсуски, республикамизда иссиқлик таъминоти объектларини қуриб, фойдаланишга топшириш ишлари талабга жавоб бермаётир. Шу йилнинг биринчи ярмигача иссиқлик системалари қувватларини ишга туширишнинг бўйича капитал қурилиш планининг 25 процент бажарилди. Планда белгиланган 21,6 километр ўрнига атиги 4,6 километр иссиқлик системалари қурилди. Қозонхоналар қурилиши бўйича топшириқ 14,5 процент ёки пландаги 57 миллион килокалория ўрнига 8,3 миллион килокалорияли қувватлар ишга туширилди, холос.

Иссиқлик таъминоти қувватларини қуриш ва ўз вақтида ишга туширишга нисбатан бундай эътиборсизлик ёмон оқибатларга олиб келиши мумкин. Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлиги ва бошқа пудратчи ташкилотлар иссиқлиқ таъминоти объектлари қурилишига зўр эътибор билан қарашлари белгиланган объектлардаги етар-етмасликларнинг олдини олиб, қурилиш суръатларини тезлаштиришга тааллуқли конкрет тадбирлар белгилашлари лозим.

Ангрен, Наманган, Фарғона район қозонхоналарини ва бошқа иссиқлик таъминоти объектларини қуриш ва фойдаланишга топшириш планлари ҳам йилдан-йилга уддаланмай қолаётир. Термиз шаҳридаги учинчи микрорайондаги район қозонхонаси қурилиши 1969 йилдан бери давом этаётганини қандай баҳолаш мумкин? Шу муддат ичида Ўзбекистон ССР Коммунал хўжалик министрлиги ажратган 494 минг сўм капитал маблағдан зўрга 223 минг сўми ўзлаштирилди, холос. Аслида, шундай қурилишга саккиз ой муддат белгиланган. Наманган шаҳар марказидаги район қозонхонаси ҳам 1969 йилдан бери қурилянти. Белгиланган 914 минг сўмдан атиги 510 минг сўми ўзлаштирилди. Нукус шаҳрининг 10, 11-кварталларида қурилаётган район қозонхонаси ҳам «туя гўшти» еб ётибди. Марғилон, Ўрганч, Бухоро, Нукус ва Андижон шаҳарларининг иккинчи микрорайони каби қатор ерларда барпо этилаётган қозонхоналар қурилиши ҳам ёмон аҳволда.

Шуни ҳам айтиш керакки, Қурилиш министрлигига қарашли аксарият трестлар ва қурилиш бошқармалари қуриб ишга тушираётган район қозонхоналари талабга тўла жавоб бермаётир. Фойдаланишга топширилган объектларда қатор камчиликлар учраб турибди. Масалан, Қарши шаҳрининг биринчи микрорайонида қурилган район қозонхонаси 1969 йилда ишга туширилган бўлса ҳам, то шу кунгача иссиқ сув сарфланишини тартибга келтириб туриш учун хизмат қилувчи аккумулятор бакларисиз ишламоқда. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Бунга асосий сабаб — Маҳаллий советлар, Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлиги ҳамда буюртмачи ташкилотлар қозонхоналар қурилишига эътиборсизлик билан қараётганликлари, ускуна ва қурилиш материаллари таъминотига кам диққат қилаётганликларидир. Шу кунга қадар Ўзбекистон ССР Коммунал хўжалик министрлигига қарашли бирорта район қозонхонаси ёнилғини запас қилиб қўйишга имкон берадиган металл резервуарларга эга эмас. Министрлик қарамоғидаги 111 иситиш қозонидан эўрга 65 қозонхона капитал ремонтдан чиқарилди. Тошкент шаҳар ижроия комитетига қарашли 84 қозондан атиги 63 таси ремонт қилинди.

Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлиги ва республика Коммунал хўжалик министрлиги қозонхоналар қурилишига ҳамда мавжуд ремонталаб қозонхоналарни мавсумга шайлаб қўйиш ишига шу кунниг энг муҳим, кечиктириб бўлмайдиган вазифаси, деб қарашлари керак. Вақт кутиб турмайди. Ёз ўтиб, куз келди. Ҳадемай қиш ҳам бошланади. Бу ғанимат фурсатлардан самарали фойдаланиб, иссиқлиқ таъминоти тармоқларини фойдаланишга шайлаб қўймоғимиз керак.

**О. ҲАЙДАРОВ,**
**Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Ишлар мудирлигининг коммунал хўжалик бўлими катта референти.**

# Жаҳон бўйлаб

## ЧИЛИДА ҲАРБИЙ ИСЁН

САНТЬЯГО, 11 сентябрь. (ТАСС). Бугун эрталаб Чилида республиканинг қонуний ҳукуматига қарши ҳарбий исён кўтарилди. Ҳарбийлар президент Сальвадор Альенденинг истеъфо беришини талаб қилдилар.

С. Альенде ҳукуматни қўллаб-қувватлаётган радиостанциялар орқали нутқ сўзлади. У ҳарбий денгиз кучларидан бир группаси «ҳукуматга қарши исён кўтарганликларини» айтди. Бу группа Валпарансо порти ва шаҳрини ишғол қилди. «Масъулиятни сезмаган унсурлар», — деди президент мени истеъфо беришимни талаб қиляптилар.

Давлат бошлиғи демократик режимни ҳамма воситалар билан ҳимоя қиламан деб таъкидлади. Мен, — деди Альенде, — истеъфога чиқмайман. Ўз ихтиёримдаги барча воситаларни ишга солиб, зарба бериш ниятида эканлигимни билдираман.

Президент қонуний конституцион тузумни ҳимоя қилиш учун барча меҳнаткашларни корхоналарни эгаллашга чақирди. Чили меҳнаткашлар бирлашган касаба союз маркази ҳам худди шунга даъват қилиб чиқди.

«Магальянес» радиостанциясининг хабарларига қараганда, халқ бирлигининг барча партиялари ҳукуматни қатъият билан қўллаб-қувватлашларини билдирдилар.

НЬЮ-ЙОРК, 11 сентябрь. (ТАСС) Информация агентликлари мухбирларининг Сантьягодан хабар беришларича, қуролли кучлар ҳар учала турининг қўмондонлари хунта тузилган ва республика президенти Сальвадор Альендедан 24 соат ичида истеъфо беришини талаб қилдилар. Ҳарбийларнинг баёнотида айтиладики, «халқ бирлиги қарамоғидаги матбуот, радио ва телевидение ўз эшитиришларини тўхатиши керак, акс ҳолда улар йўқ қилинади. Аҳоли ўз уйидан чиқмасдан тўриши лозим».

Исёнчиларнинг самолётлари президент саройи устида учиб юрибди. Ҳарбийларнинг бўлинмалари қуролли кучлар турлари қўмондонларининг буйруғини бажаришдан бош тортган радиостанцияларни яксон қилишга киришдилар.

Ҳарбий хунта бутун Чили территориясида фавқулодда ҳолат ва комендантлик соати жорий қилди. Аҳолининг қурол олиб юриши тақиқланди.

Ҳарбий ҳаво кучларининг самолётлари президент саройини бомбардимон қилдилар. Шундан кейин исёнчиларнинг бўлинмалари саройга ҳужум қилдилар.

Исёнчиларнинг радиостанциялари барча радио эшиттиришларни, ҳар қандай радио алоқасини, шунингдек ташқи дунё билан телеграф ва телефон алоқасини дарҳол тўхатиш тўғрисида барча давлат ва хусусий компанияларга буйруқ бердилар. Мамлакатдаги аэропортлар ёпилди.

НЬЮ-ЙОРК, 12 сентябрь (ТАСС). Информация агентликларининг хабар беришларича, исёнчилар қўл остидаги Чили радиоси Сантьягода президент саройи қўлга олинганлигини эълон қилди.

НЬЮ-ЙОРК, 12 сентябрь. (ТАСС). Чилида қонуний халқ бирлиги ҳукуматига қарши ҳарбий тўнтариш қилинди. Телеграф агентликларининг хабарларига қараганда, исёнчилар президентнинг «Ла Монеда» саройига ҳужум қилиб, уни босиб олганлар. Баъзи хабарларда, президент Альенде «ўзини ўзи ўлдирди» дейилмоқда. Президент саройига қилинган ҳужумда бомбардимончи авиация ва артиллериядан ҳам фойдаланилган. Ҳарбий хунта тузилган. У Чили территориясида фавқулодда ҳолат жорий қилди. Қўшинлар радио ва телефон станцияларининг ҳаммасини эгаллаб олдилар. Чилининг ташқи дунё билан алоқаси узиб қўйилди. Телеграф агентликларининг хабарларида айтилишича, халқ бирлиги ҳукуматининг аъзолари, коммунистлар ва социалистлар қамоққа олинмоқда.

Португалия мустамлакачиларининг Мозамбикка қарши қилаётган ваҳшийликлари жаҳон тинчликсевар халқларининг қаҳр-ғазабига дучор бўлмоқда. «Штерн» журналидан олинган бу суратда Мозамбикнинг шимолий районидаги қишлоқларнинг бирига вертолётлардан қароқчилар туширилаётгани акс эттирилган. (ТАСС фотохроникаси).

## ТЕҲРОНДАГИ ХАЛҚАРО ЯРМАРКА

ТЕҲРОН, 11 сентябрь. (ТАСС). Бугун бу ерда очилган халқаро ярмаркада 23 давлат, шу жумладан Совет Иттифоқи, Венгрия, Польша, Румния, Югославия қатнашмоқда. Бу ярмарка Эроннинг ташқи савдо алоқалари, хусусан Европадаги социалистик мамлакатлар билан савдо алоқалари кенг ривожланаётганлигидан далолат беради.

1,5 минг квадрат метр майдонни эгаллаган совет павильонида оғир юк автомобиллари, станоклар, машина-ускуналар, кенг истеъмол моллари: соатлар, телевизорлар, холодильниклар кўрсатилмоқда. Пахта теришни комплекс механизациялаш учун мўлжалланган совет машиналари Эронда биринчи марта намойиш қилинмоқда. Ярмарка очилган заҳотиёқ бу машина-ускуналар жаҳон бозорига кўплаб пахта етказиб берувчи Эрон қишлоқ хўжалик мутахассисларининг эътиборини жалб қилди.

## ОТАЛАР ШУҲРАТИ~ФАРЗАНДЛАР МУЛКИ

НАМАНГАН, (ЎзТАГ). Беш кундан буён областда жанговар шон-шуҳрат ҳафталиги давом этмоқда. Бу ҳафталикда шаҳарликлар ва колхозчилардан минг-минглаб кишилар иштирок этмоқдалар.

Уруш ветеранларининг ёшлар билан бўлган учрашувлари қизғин ва самимий ўтмоқда. Совет халқининг кўрсатган буюк жасоратининг муфассал тафсилотини, майфур душман — фашистлар Германияси устидан ғалаба қозониш учун қандай курашилганлиги ва бу ғалабага қандай қилиб эришилганлиги тўғрисидаги муфассал ҳикояни ёшлар ветеранларнинг ўз оғзаларидан эшитмоқдалар. Москвадан келган фахрий меҳмонлар — истеъфодаги генераллар К. Телегин, ва Ф. Лисицин билан, республика пойтахтининг намояндалари генерал В. Сохацкий, Совет Иттифоқи Қаҳрамони Б. Бобоев билан бўлган учрашувлар айниқса мароқли бўлди.

Учрашувларда сўзга чиққан ветеранлар ёшлар ўзларининг шонли меҳнатлари, ўқишлари, ватанга бўлган меҳр-муҳаббатлари билан оталарининг ўзларига мерос бўлиб қолган шон-шуҳратларини муносиб давом эттирадилар, деб астойдил ишонч билдирдилар.

## ХАЛҚ КОРЕЯСИ ЮБИЛЕЙИ МУНОСАБАТИ БИЛАН

Ўзбекистон меҳнаткашлари Корея Халқ Демократик Республикаси ташкил топганлигининг 25 йиллигини барча совет кишилари билан биргаликда нишонлямоқдалар. Бу сана СССРда ўтказилаётган Совет — Корея дўстлиги ҳафталигига тўғри келиб қолди.

12 сентябрда Тошкентда Ўзбекистон пойтахти жамоатчилиги намояндаларининг йиғилиши Корея Халқ Демократик Республикасининг миллий байрамига бағишланди. Чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқа қилувчи Ўзбекистон жамияти президиумининг аъзоси, Низомий номли педагогика институтининг ректори З. Нуриддинов тарихий сана тўғрисида доклад қилди.

Йиғилишда Тошкентга келган Корея Халқ Демократик Республикасининг СССРдаги элчиси Квон Хи Ген нутқ сўзлади.

* * *

Корея Халқ Демократик Республикаси ташкил этилганлигининг 25 йиллигига бағишланган митинглар Тошкент, Самарқанд, Фарғона ва Андижондаги корхоналарда ҳамда ўқув юртларида ҳам бўлиб ўтди. (ЎзТАГ).

## ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИНИНГ МЕҲМОНЛАРИ

ВЛКСМ Марказий Комитети Москва—Тошкент—Ашхобод агитация учишини ташкил этди. Граждан авиация учувчиларининг пахта теримида қатнашганлигига бағишлаб бу учиш қатнашчилари Ўзбекистон пойтахтига келишди.

Учиш қатнашчилари орасида комсомол ходимлари, аэрофлот мутахассислари ва аэнаторлар, таниқли спортчилар, Улуғ Ватан урушининг ветеранлари, лекторлар, рассомлар бор. Улар республика областларига бориб ғўза баргини тўқтиришда қатнашаётган қишлоқ хўжалик авиацияси учувчиларининг муваффақиятлари билан танишиб чиқадилар, дала шийпонларида ёш пахтакорлар билан суҳбатлар ўтказадилар. (ЎзТАГ).

## ИҚТИСОД ҚИЛИШ ВА ТЕЖАМКОРЛИК УЧУН МУКОФОТ

«Ўзсельхозтехника» Сирдарё район бирлашмаси билан Тошкент тажриба ремонт-механика заводининг коллективлари «Союзсельхозтехника» системасидаги корхоналарда ва ташкилотларда ишлаб чиқариш резервларидан фойдаланиш, тежаш режими Бутуниттифоқ жамоат кўригида 1973 йилнинг биринчи ярмида энг юқори натижага эришдилар. Бу коллективлар Бутуниттифоқ «Союзсельхозтехника» бирлашмаси билан қишлоқ хўжалик ва тайёрлаш органлари ишчи ҳамда хизматчилари касаба союзи Марказий Комитетининг дипломлари билан мукофотландилар. (ЎзТАГ).

## Ф. КАСТРОНИНГ САФАРИ

БАҒДОД, 11 сентябрь. (ТАСС) Куба Республикаси Революцион ҳукумати бошлиғи Фидель Кастронинг Ироқ Республикасига қилган бир кунлик визити тугади.

Ф. Кастро Ироқда бўлган чоғида Ироқ Республикасининг президенти Аҳмад Ҳасан ал Бакр билан учрашди. Ҳурматли меҳмон шарафига зиёфат берилди.

Фидель Кастро бугун эрталаб Бағдоддан жўнаб кетди. Бағдод аэропортида Куба республикаси Революцион ҳукуматининг бош министрини Ироқ Революцион қўмондонлиги Кенгаши раисининг ўринбосари Саддам Ҳусейн, Революцион қўмондонлик Кенгашининг аъзолари ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

## Ж. ПОМПИДУ ПЕКИНГА КЕЛДИ

ПЕКИН, 11 сентябрь. (ТАСС). Франция Республикасининг Президенти Ж. Помпиду бугун расмий визит билан бу ерга келди. Визит бир ҳафта давом этади.

# СИНФИЙ МАНФААТЛАРГА ХИЁНАТ

БУДАПЕШТ, 11 сентябрь. (ТАСС). «Непсава» газетаси ўз обзорчисининг «Пекин, мақсадлар ва шиорлар» сарлавҳали мақоласида қуйидагиларни ёзади: Хитой Компартиясининг X съезди аслини олганда, бир томондан Линь Бяо ишига чек қўйишга ва иккинчи томондан, ҳокимиятнинг янги иерархиясини тузиб, аввалги сиёсатнинг давом эттирилишини таъминлашга интилди.

Чжоу Энь-лайнинг съезда қилган докладида Хитой жамиятида аҳвол мутлақо таҳлил этилмади, бу докладдан иқтисодий аҳвол ҳақида ҳам, мамлакат олдида турган проблемалар тўғрисида ҳам ҳеч нарсани билиб олишнинг илоҳи йўқ. Бундан, деб таъкидлайди «Непсава» газетаси, фақат бир хулоса чиқариб олиш мумкин. Бу хулоса шундан иборат: Хитой раҳбарлигининг мавкеи шундайки, у мамлакатдаги вазиятни чуқур таҳлил этиш, қилинган ишларга баҳо бериш, мавжуд хатолар ва проблемаларни ҳал этиш учун халқни сафарбар қилишга қодир эмас, Маочилар Коммунистик партияга муносиб бўлган конкрет программани илгари сўрмадилар, балки бу программани синхичилик, субъективизм билан, шиорларни бирин-кетин санаб ўтиш билан алмаштиришга интилмоқдалар

Мақолада яна бундай дейилади: Ван Хун-вэннинг партия уставига киритилдиган ўзгартишлар тўғрисидаги доклади Хитой раҳбарлиги мамлакатда «маданий революция» давомида вужудга келган тартибсизликни табиий бир ҳол деб ҳисоблаётганлигига ҳеч қандай шубҳа қолдирмайди. Хитой Компартиясининг съезда қабул қилган уставида «бундай революция бундан буён ҳам кўп марта ўтказилади», дейилади. Пекин раҳбарлари оммаларнинг кескин ҳолатни, хавфсираш туйғуларини доим кучайтириш билан бирга мамлакатда мавжуд бўлган проблемаларни ҳал этишни пайсалга солишга ва бу проблемалардан эътиборни четга тортишга уринмоқда.

«Непсава» газетаси қуйидагиларни таъкидлайди: Хитойда ҳокимият учун кураш давом этаётганлигига шаҳшубҳа йўқ. Съезда турли оқимлар ваакилларини янги иерархия тепарасида жиплаштиришга эришилган бўлса ҳам, жуфлар нисбати кескин тарода ўзгармади. Линь Бяо ёки бир ёқлик қилинганидан кейин навбатдаги «ички душман»ни аниқлаш вақт талаб қилади. Маочилар съезди ҳозирги душманни аниқлаш борасида ҳеч иккиланмай йўл тутди. Аввалдагига қараганда зўр маҳкорлик билан Совет Иттифоқи асосий душман деб аталди. «Совет хавфи борлиги» тўғрисидаги таҳматдан иборат уйдирмалардан Хитойнинг ўз имкониятлари йўл қўймаслигига қарамай нима учун қуролланаётганлигини, Пекин раҳбарлари халқнинг турмуш даражасига нима учун лозим даражада эътибор бермаётганлигини билвосита «ноҳалаш» учун фойдаланмоқдалар.

Пекин Совет Иттифоқини ўз гегемонлигини ўрнатиш ниятларини рўёбга чиқариш йўлидаги асосий ғов деб билади, Совет Иттифоқининг нуфузи ишчилар ҳаракатида, «учинчи дунё»да маонизмнинг тарқалишига ҳалақит бермоқда. Бунинг боиси шуки, ишчилар ҳаракати, «учинчи дунё», мустақиллик учун курашаётган барча кучлар, тинчлик йўлидаги жаҳон ҳаракати Совет Иттифоқини ўзининг асосий таянчи деб билади.

Чжоу Энь-лайнинг съезда қилган докладидаги маочилар ички фронтда ҳам, халқаро майдонда ҳам нескинлиги аваж олдиришга умид боғлаётганлигига шак-шубҳа қолдирмайди. Улар аввалгидек ҳозирда ҳам жаҳон урушини ўз ниятларини амалга ошириш учун имконият яратиб беради, деб ҳисоблямоқдалар.

Сурхондарё области. Шеробод районидаги Қосим Раҳимов номли ҚҲРИҚ совхозининг механизаторлари республика механизаторларининг мурожаатидан илҳомланиб, улкан марраларга отландилар. Совхоз механизаторлари «зангори кема»лар бункеридан 12 минг тонна «оқ олтин» тўнишга аҳд қилганлар. Аҳдига вафодор механизаторлар машина теримини областда биринчилар қаторида бошладилар. Суратда: (чапдан) совхозининг машҳур механик-ҳайдовчиларн Жиянқул Рустамов, Мухаррама Қурбонова ва совхоз директори Эшпўлат Эргашев ўртоқлар бункерлардан тўнияган пахтанинг сифати устида ўзаро маслаҳатлашмоқдалар.

Р. Жуманиёзов фотоси.



ЁЗУВЧИЛАР ПАХТА ДАЛАЛАРИДА

# ЗАФАРГА ИШОНЧ

### ЗАРБДОР 45 КУНЛИК

Самолёт ерга қўниб, Андижонга қадам қўйишингиз биланоқ юксак кўтаринкиликни ҳис қиласиз.

Бу кўтаринкилик инсон азми билан Сарсонқумда бунёд этилаётган замонавий посёлкагача кўриниб турибди. Бу гўзаллик, кўтаринкилик, юксалиш замирида тилло республикамизнинг 8 дан бир пахтасини берадиган азамат андижонликларнинг айтишга осон, аммо миллиард-миллиард чаноқлардан мисқоллаб йиғиладиган 600 минг тонналик хирмони ётибди.

Андижонда ҳам биринчи хирмонлар қад кўтармоқда.

Қайси хўжаликка борманг, ким билан учрашманг, катта хирмондан гап очилади. Лафз, ор-номус, дейди ҳамма, катта лафз билан майдонга тушдикми — бу майдондан ер чизиб чиқмаймиз. Бу гапда улкан ишонч бор. Чунки андижонлик пахтакорлар ўтган йили ҳам ўз зиммасига жуда катта мажбурият —550 минг тонналик хирмон кўтариш мажбуриятини олиб, давлат хазинасига 584 минг тонна «оқ олтин» етказиб берган эдилар. Бу кўрсаткич Андижоннинг пахтачилик тарихида ҳеч қачон кўрилмаган энг юксак кўрсаткич эди. Лекин андижонлик заршуносларни бу йил ўша кўрсаткич ҳам қониқтирмади. Улар янада юксак маррани кўзладилар. 600 минг тонналик хирмон кўтарамиз дедилар. Бу пландагидан қариб 100 минг тонна ортиқдир. Областда терим учун зарбдор 45 кунлик эълон қилинган. Шу муддат ичида мажбурият бажарилади. Бунинг учун биринчи навбатда машина теримига зўр берилади. 360 минг тонна пахта пўлат этаклардан тўкилади. Ҳосилнинг 85 процента сентябрь ойида терилади. Ҳамма иш 45 кунликнинг бош вазифаларига мослаштирилади. Агар шу кунлар ичида етиштирилган ҳосил тўла йиғиштириб олинса, терим муддати ўтган йилга нисбатан деярли икки ҳисса қисқаради.

Область партия комитети Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг 1973 йил пахта ҳосилини теришга ва тайёрлаш тўғрисидаги қарорини амалга ошириш юзасидан муҳим тадбирлар белгилаб, кенгайтирилган қарор қабул қилди. Терим даври илғорларини рағбатлантириш учун кўчма Қизил байроқлар таъсис этилган. Оммавий-сиёсий ишлар 45 кунликка мослаб олиб борилаётир.

### ГЕКТАРИДАН 45 ЦЕНТНЕРДАН

Ленин райони ҳосилдорлик жиҳатидан областдагина эмас, балки бутун республикада пешқадам районлардан ҳисобланади. Ўтган йили район бўйича ҳар гектар пахта майдонидан қариб 40 центнердан хосил йиғиб олинди. Меҳнат Қизил Байроқ орденли «Правда Востока» колхози эса ҳар гектаридан 47 центнердан ҳосил кўтарди. Районда 50—60 центнерчилик ҳаракати авж олиб кетди. 11 та бригада 50—60 ва 69 бригада эса 40—50 центнердан ҳосил кўтардилар. Бу рақамлар ҳозилакам меҳнат эвазига қўлга киритилмаган, албатта. Бу рақамларда не-не азаматларнинг қалб кўри, меҳри, бедорлиги жамланган.

Асакаликлар ўтган йили ҳосилдорлик бўйича улоқни тақимга босиб кетдилар. Бу йил яна ҳам катта мақсад билан майдонга тушдилар. Ҳар гектар ердан 45 центнердан ҳосил кўтариб, ялпи ҳосилдорликни 50 тоннага етказишга аҳд қилдилар. «Правда Востока» ва «Коммунизм» колхозининг аъзолари ҳар гектар ердан 50 центнердан, қолган колхозлар 42—45 центнердан ошириб ҳосил кўтаришга аҳд қилганлар. 60 центнер учун курашаётган бригадалар сони 12 га етди. 120 дан ортиқ бригада 45—50 центнердан ҳосил олмоқчи.

Биз «Ўзбекистон» колхозининг Раимберди Раҳимов бошлиқ биринчи бригадаси даласида бўлдик. Яхлит пахтазор денгиздай чайқалади. Одамнинг кўкрагига урадиган бўлиқ ғўзалар да очилган ва етилиб қолган кўсакларнинг сони 15—20 таданни ташкил этади. Ғўза тупларидан ҳосилдан майишиб турибди.

— Ўтган йили «Правда Востока» колхозининг бригадири Луқмон Исломов гектаридан 60 центнердан ҳосил олиб, ҳаммани қойил қолдирган эди,— дейди Райимберди Раҳмонов. Ўшанда биз ҳам катта аҳд қилиб қўйган эдик. Бу йил бригадамиз 60 центнердан ҳосил олишга қарор қилди. Албатта сўзимизнинг уддасидан чиқамиз.

Ленин районида бунақа асил деҳқонлар кўп. «Правда Востока» колхозидан Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Қобил Мирзаев, «Ўзбекистон» колхозидан Сардорхон Раҳмонова бошлиқ бригадалар областда 60 центнерчилик ҳаракатини бошлаб бердилар.

### 80 ПРОЦЕНТИ МАШИНАДА

Қадим-қадимдан Избоскан-нинг довруғи тилларда достон.

Шуҳратли пахта усталарининг диёри бу ер. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Абдусамат Тиллабоев, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Эъзозхон Исроилова, донгдор пахтакорлар Мамадали Суяров, Ҳолҳўжа Ғозиев, Ўктам Соҳибов, Марғуба Бўронова, Ҳуринисо Отақўзиева сингари юлаб кишилар шу районда ялпаб, пахтакорлик шарафини улуғлаяптилар.

Кейинги йилларда Избоскан пахтачилиқда, хусусан теримда техникадан фойдаланишда бутун областга намуна кўрсатди. Ўтган йили умумий ҳосилнинг 68 процента машиналарда териб олинди. Районда терим машиналарининг меҳнат унумдорлиги ҳам характерли бўлди. Механик-ҳайдовчилардан 251 таси 100 тоннадан, 19 таси 200 тоннагача пахта терди. «Октябрь 50 йиллиги» совхозидан Қўчқорбой Эргашев 650 тонна пахта териб, катта жасорат кўрсатди.

Қўчқорбой Эргашевнинг бир мавсумда терган пахтасини 130 теримчи кунига 100 килограммдан терса, 50 кунда териб беради. Избоскан районида машинага зўр берганда ана шундай ҳисоб-китобларни назарда тутади.

Избосканликлар: райкомимизга Узоқбой Саримсоқов биринчи секретарь бўлиб келди-ю, ошнамиз олчи бўлди деса, областдагилар ўртоқ Саримсоқов Избоскан мисолида пахтачиликни қандай механизациялашни ҳаммага бир карра кўрсатиб қўйди, дейишади. Ўртоқ Саримсоқов бир вақтлар «Савай» совхозида директор бўлган. Совхозни бутун мамлакатга танитган. Совхоз машина теримига зўр бериб, сурункасига ҳар йили атиги 10—15 иш кунида планни бажариб турган. Саримсоқов Избосканга келгандан кейин ҳам техникага зўр берди. Лекин баъзилар: бу ер «Савай» эмас, бутун бошли район. Пахтанинг шунча катта ҳисмини машинада териб бўлмайди, дейишди. Узоқбой ака сўзининг устидан чиқди.

— Избоскан 60 минг тоннаник хирмон учун курашяпти. Бу планда белгиланганидан 16 минг тонна ортиқ. Беш йилликнинг охирги йили кўрсаткичидан ҳам 4 минг тонна ортиқ. Ялпи ҳосилнинг 80 процента машиналарда териб олинади. Машина терими 10 сентябрдан бошланди. Район мажбуриятни 1 октябрга бажаради.

### ТЕЛЬМАН НОМЛИ КОЛХОЗДА

Колхоз 1000 гектар ерга пахта экибди. Ўтган йили 37 центнердан ҳосил олибди. 1971 йилда колхоз 26 центнердан ҳосил олган экан. Колхозга 1972 йилнинг бошида қўшни илғор колхоз «Шарқ Юлдузи»нинг парткоми Набижон Қиргизбоев раис қилиб сайланди. Бир йилда 11 центнердан ўсиш! Ўртоқ Қиргизбоевдан бу муваффақиятлар сабабини сўрадик.

— Биринчи сабаб: аввал «159» нави экиларди. 1972 йилда «Тошкент-1» навини экдик. Иккинчи сабаб: экиш, ягана, ўғитлаш барвақт тугалланди. Бир марта ортиқча культивация қилдик. Саратон сувига яхши кондирдик. Учинчи сабаб: кадрларнинг ташкилотчилик ишлари.

Колхоз бу йил 40 центнер учун курашяпти. 80 процент пахтани машинада термоқчи.

12-бригада бошлиғи Зиёбой Абдуллаев ишчан, ўз сўзли эканлиги боқишларидан сезилиб турибди. 75 гектар ери бор, 45 центнердан ҳосил олмоқчи.

Колхозда Улуғ Ватан урушининг қатнашчиси, Берлингача ёв қувиб борган Исмоилжон ака Ҳасанов каби сувчилар бор. Исмонжон ака 4- бригадада сувчилик қилади. Касбининг устаси.

Ғуломжон Маҳкамов — илғор механизатор. Ўтган йили 400 тонна терган. Бу йилги мўлжали — 500 тонна! Терим машинаси шай. Улоқчи отидек шайланиб турибди.

«Пойтуг» пахта заводининг директори А. Халилов:

— Заводимиз яқинда обком ва область ижроия комитетининг кўчма Қизил байроғини олди. Биз мавсумни шайлик билан бошлаб юбордик.

### ШАҲРИХОНЛИКЛАР ҲИММАТИ

Москва райони Андижонинг йирик районларидан. 80 минг тонна пахта беради.

Районнинг йирик колхозларидан бири «Правда». Ҳамроҳимиз, район «Янги ҳаёт» газетасининг редактори Зокиржон Шарофиддинов йўл-йўлакай колхоз ҳақида гапириб берди.

Колхозга ишнинг кўзини биладиган ташкилотчи Абдуллажон Раҳимов раислик қилади. 1660 гектар пахтаси бор. Бу йил 6500 тонна пахта етиштирилади. 80 процентини машинада теради. Колхоз кўп тармоқли хўжалик. 638 тонна дон, 37 тонна жун, 150 тонна гўшт, 430 тонна сут, 55 тонна пилла: 65 тонна мева, 24 тонна узум, 44 тонна сабзавот етиштиради.

Колхоз раиси ва партноми ҳамроҳлигида Фозилжон Иброҳимов бошчилик қилаётган 9-бригадага бордик. Шийпон ва катта толлар остига махсус қурилган баланд сўри диққатимизни ўзига тортди. Шийпон озода, типовой. Кўргазмали агитация жойида. Республика, область, район, колхоз ва бригада кўрсаткичлари. Меҳнат зафарларига чорловчи шиорлар. Шинамгина гулзор. Ариқда сув оқиб турибди. Атроф салқин. Ярим соат ўтирсанг, бир кунлик чарчоғинг тарқайди.

Бригадир ёш. Ишчан. Дадил сўзлайди. Бургутпарвоз йигитлардан

— 152 гектар ерга пахта экдик, — дейди у, — 45 центнердан оламиз. Ҳозирги очилган ва етилган кўсакларнинг ўзи биланоқ мажбуриятимизни бажарамиз. Колхозимиз 30 сентябрда бажаради. Биз сал илгарироқ.

— Бошқа экинингиз ҳам борми?

— Бор. 5 гектар ерга қизилча экканмиз. Гектаридан 1200 центнердан ҳосил оламиз. Бир гектар ошқовоғимиз бор. 100 тонна ҳосил оламиз.

Шу куни «Ленинизм» колхозида бўлдик. Раис Назиржон Мамажоновни йўлда учратдик.

— Мўлжал қанча?

— 40.

— Қанчасини машинада терасизлар?

— 70-80 процентини. Айрим бригадаларимиз, масалан, Турсунбой Тўраев бошлиқ учинчи, Абдураҳим Юлдойбердиев бошлиқ еттинчи бригадаларимиз барча ҳосилни машиналарда териб олади.

Биз Бўзда ҳам, Андижон районида ҳам—ҳамма ерда пахта ишининг илғорларини учратдик.

Андижонда меҳнат кўтаринкилиги, руҳий жўшқинлик, эртанги зафарга ишонч беқиёс. 600 минг тонналик хирмон албатта кўтарилади.

**Адҳам РАҲМАТ,**
**Яниш ҚУРБОН,**
**Анвар ЭШОНОВ,**
**Олимжон ХОЛДОР,**
**Холдоржон ҚУРОНБОЕВ.**

ГУЛЛАЁТГАН МИРЗАЧЎЛ

# АВЛОДЛАР ОРЗУСИ

**Титов номли 6.совхоз Сирдарё областининг янги ҚҲРИҚ зонасида ташкил этилган тўнғич хўжаликларидан бири. Совхоз комплекс механизация асосига қурилган. Пахта етиштириш тобора кўпайтириляпти. Чорвачилик сердаромад соҳага айлантириляпти. Пахта-беда алмашлаб экиш кенг қўлланиляпти. Маккажўхори етакчи тармоққа айлантирилди. Чўлқуварларнинг турмуш фаровонлиги юксаляпти. Коммунист Саттор Усмонов ўн йилдан кўпроқ вақтдан буён шу хўжалика раҳбарлик қиляпти. Қуйида унинг авлодлар орзуси қандай ушалаётгани ҳақида «Совет Ўзбекистони» мухбири М. Назаров билан қилган суҳбатини эътиборингизга ҳавола этамиз.**

— Мирзачўлнинг бу тўнғич хўжалиги 1961 йилда ташкил этилди. Ўшанда айрим кишилар маблағ ва меҳнат зое кетадиган бўлди-да, деб афсусланди. Чунки қозирги территориямиз қақраб ётган чўл эди. Ер шўр, захлигидан, сизот сув юза жойлашганидан ҳатто янтоқ ҳам қуриб қоларди.

Партиямиз тўғри йўл кўрсатди, халқни умидсизланмасликка чақирди. Катта моддий-техника ёрдами берди. Қурилиш-ободончилик ишлари авж олдирилди. Бу ҳақда республикамизнинг ҳамма жойига хушхабар тарқалди. Совхозимизга одамлар оила аъзолари билан кўчиб кела бошлади. Тўғри, у кезларда ҳали ҳозиргидек шинам уйлар йўқ эди. Чўлқуварлар ертўлаларда, вагон-уйларда истиқомат қилди, чўл қийинчиликларига бардош берди. Биз ҳамиша Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг оталарча ғамхўрлигини сезиб турдик. Уша йили 5.664 гектар ерда ғўза ўстириб, гектаридан 10,4 центнердан ҳосил олинди, давлатга салкам 6 минг тонна пахта етказиб берилди.

Мирзачўл шароитида битта соахоз қурилишига 30 миллиондан 40 миллион сўмгача маблағ сарфланади. Бизнинг совхозимиз қурилиши ҳам давлатга қимматга тушди. Лекин истиқболи порлоқ бўлгани учун чиқим сезилмади. Чўлқуварлар пахтадан юқори ҳосил етиштириш билан сарф-харажатнинг ўрнини тезроқ қоплашлари керак эди. Амалда шундай қилдик ҳам. **1962 йилга келиб пахта майдонини 8.540 гектарга етказдик. Давлатга ишлаб чиқариш плани бўйича 9.300 тонна пахта армуғон этишимиз керак эди, амалда 11.685 тонна пахта бердик. Ҳосилдорлик бир йилда гектар бошига 3 центнер кўтарилди.** Бу гарчи салмоқли рақам бўлмаса-да, чўлқуварларимизда келажак ғалабага бўлган ишончини мустаҳкамлади.

Совхоз янгидан ташкил этилаётган кезда, унинг марказий қисмида шаҳарча бунёдга келтириш кўзда тутилиб, жуда тўғри иш қилинди. Одамлар сони кўпайиши, уларнинг мева, полиз экинлари маҳсулотлари, сабзавотга бўлган талаби тобора ортиб бориши ҳисобга олинди. Шундай қилиб, **дастлабки йилиёқ 84 гектар майдонда боғ, 13 гектар ерда токзор бунёдга келтириш кўзда тутилди. Каттагина майдон полиз ва сабзавот экинлари экишга ажратилди.** Мана энди совхозимиз аҳолисини ширин-шакар мевалар, узум, қовун-тарвуз билан таъминлабгина қолмасдан, маҳсулотнинг катта қисмини Москва, Ленинград шаҳарларига, Сибирь ва Узоқ Шарқа ҳам жўнатяпмиз.

Чўлқуварлар пахтадан юқори ҳосил етиштириб, эл-юртга шуҳрат таратди. СССР Олий Совети Президиумининг Фармони билан чўлқуварларимиздан катта группаси, шулар қаторида ўзим ҳам орден ва медаллар билан мукофотландик. Ҳар уч хонадоннинг бири «Волга», «Москвич» машиналарига эга бўлди. Мотоцикл, велосипедсиз хонадон йўқ. Масалан, Расул Суннатов совхозимизга оддий ишчи бўлиб келган эди. Жуда меҳнаткаш киши, ташкилотчилиги ҳам бор. Пахтачилик бригадасига бошлиқ қилиб қўйдик. Планларни муттасил бажарди, ҳосилдорликни оширди, машина теримини ташкил қилишда бош-қош бўлди. Ниҳоят, унинг меҳнатлари Ленин ордени билан тақдирланди. Ҳозир 500 гектар ерда пахта етиштираётган бўлимга бошқарувчилик қиляпти. Бу йил гектаридан 35 центнердан чўл дурдонаси етиштиради.

Қурувчи Соат Жабборов, пахтакор Нормамат Аббуллаев каби ўнлаб, юзлаб фидокорларнинг номини фахр билан тилга оламиз. Шуни айтиш керакки. чўлқуварлар сафи тобора кенгайяпти. Бунда кейин ҳам шундай бўлаверади. Чунки Мирзачўл мардлар синаладиган майдонга айланди.

Совхозимиз механизация, кимизация, ирригация ва мелиорация асосига қурилган. Дастлабки йили 15 тага яқин ер ҳайдайдиган, қариб шунча чопиқ тракторимиз бор эди. Ҳозир-чи, шу ҳақдаги рақамларни келтирсангиз, баъзи кишилар ишонмайди. Қаранг, тракторларнинг ўзи юз элликтадан ошади, ҳамма марказсини қўшиб ҳисоблаганда 182 та пахта терадиган машинамиз бор. Тележкамиз 341 та, 61 та транспорт тракторига эгамиз, юк машинамиз 70 та! Бошқа техника воситалари ҳақида гапириб ўтирмасам ҳам бўлади.

Ирригация-мелиорация чўл шароитида жуда катта аҳамиятга эга. Еримиз захкаш, шўр кўп, сизот сув юза жойлашган. Захни қочириб, шўрни йўқотиб, сизот сувни пасайтириб турмасак ҳосил ололмаймиз. Бу унча қийин иш эмас, меҳнатнинг оғирини экскаваторлар ва бошқа тупроқ қазиш машиналари бажаради. Экинларни лоток усулида суғорамиз. Ҳозир зовурсимон қудуқлар қазиляпти-ки, бу билан ишимиз янада енгиллашяпти, шўр ювишга кетадиган маблағнинг катта қисмини тежаб қоляпмиз.

Давлатимизга минг раҳмат, ўғитни хоҳлаганимизча етказиб беряпти. **Ҳар йили 3 минг тоннадан ортиқ азот, 4 минг тоннага яқин фосфор оламиз. Бегона ўтни йўқотиш учун 500 тоннага яқин гербицид, кўплаб ғўза баргини сунъий усулда тўкадиган препаратлар етказиб берияпти.** Қўйингчи чўлқуварлар эҳтиёжи учун нималар зарур бўлса, ҳаммаси муҳайё қилиняпти. Битта бизнинг совхозимизга шунча ёрдам! Ваҳолонки, Мирзачўлнинг янги зонасида ўтган битта янги совхоз бор. Давлатимиз ҳаммасига баравар ёрдам беряпти, ҳамма совхозларнинг чўлқуварлари Ўзбекистон партия ва ҳукуматининг ғамхўрликларидан баҳраманд бўляпти.

Бу ёрдам ва ғамхўрликлар пахта етиштиришни кўпайтиришга ижобий таъсир қиляпти, албатта. Ҳозир айрим рақамларни келтириб ўтаман. Совхозимизнинг кейинги йиллардаги хўжалик фаолияти пахта етиштиришни кўпайтириш, машина теримини кучайтириш, сортини яхшилаш билан характерланади. **1970 йилда давлатга пландаги 11.340 тонна ўрнига 15.500 тонна пахта етказиб бердик. 1971 йилга келиб ялпи тоннани 16.569 тоннага кўтардик. Бу пландагидан қариб 5000 тонна кўп. 1972 йилда пахтакорларимиз чўл тарихида мисли кўрилмаган пахта ҳосили етиштириб, катта хирмон кўтардилар. Шу йили тайёрлов пунктларига ишлаб чиқариш плани бўйича 11.800 тонна «оқ олтин» топширишимиз керак эди, амалда қариб 18 минг тонна пахта топширдик.**

Умуман совхоз ташкил топганидан буён қанча пахта тайёрланди, дейиладиган бўлса, буни ҳам конкрет рақамлар билан айтишим мумкин. **1961 йилдан 1972 йилгача бўлган даврда совхозимиз давлат белгилаган план бўйича 151 минг 716 тонна пахта тайёрлаши керак эди. Ҳақиқатда эса 166 минг 823 тонна 600 килограмм пахта тайёрланди. Ёки она-Ватанга пландан ташқари 15 минг 105 тонна 600 килограмм чўл дурдонаси етказиб берилдики, шу фактнинг ўзигина Мирзачўл ерлари давлатимизнинг ёрдами, халқимизнинг яратувчилик меҳнати билан «оқ олтин» ҳазинасига айланаётганини кўрсатади.**

Машиналар ва пахтани «зангори кема»ларда теришнинг ўсиши ҳақида гапириб ўтирмасам ҳам бўлади. Бойси, механизация чўлқуварларимиз ҳаётининг таркибий қисмига айланди. Бу ҳақда гапни чўзиб ўтирмай 1973 йилда қилишимиз зарур бўлган ишларимизни айтиб қўя қолай. **Давлатимизга 21 минг тонна пахта армуғон этамиз. Шундан 90 процентини машиналарда терамиз. Қолган қисмига ҳам шаҳардан ёрдамчилар чақирмаймиз, хўжалигимизда, юқорида тилга олинганидек, тўкилган пахтани терадиган, кўсак узадиган ва чувийдган агрегатлар ва механизмлар кўп, ўшалар ёрдамида саранжом-саришталаб оламиз.** Шунисн қувончлики, Қувон Турдиев, Қувондик Абдуразоқов, Нишон Абдуллаев, Ураззой Асроров каби 50 центнерчи бригадаларимизнинг ҳаммаси етиштирилган ҳосилни қўл кучи ишлатмасдан машиналар ёрдамида териб олиш учун кураш бошладилар. Энди бўлимлар ўртасида ҳам айнан шундай ҳаракат кенг қулоч ёймоқда. **Бу йил механизация ва механизаторларимизга таяниб, пахта йиғим-теримини 30—35 иш кунида тўла тугаллаймиз. 21 минг тонналик марраии сўзсиз эгаллаймиз.**

Юқорида битта совхоз қурилишига 30-40 миллион сўм ўртасида маблағ сарфланаётганини айтдим. Ана шу чиқим узоғи билан 5-6 йилда тўла қопланиб, шундан кейин совхоз давлатга кони фойдага қоляпти. Буни бизнинг хўжалигимиз мисолида ҳам кўриб ўтяпти. **Совхозимиз 1963 йилданоқ соф фойдага кирди. Уша йили, яғлиғмасам,200 минг сўм атрофида соф фойда келтирди. 1972 йилда соф фойда 1 миллион 500 минг сўмга етди. Умуман совхоз тузилгандан буён эса кетган сарф-харажатнинг ўрни тўла қопланиб, давлатга қариб 8 миллион сўм фойда келтирилди.** Тўққизинчи беш йилликнинг ҳал қилувчи босқичи — 1973 йилда соф фойдани ўтган йилдагидан бир ярим баравар кўпайтирамиз. Шунга яраша иш олиб борямиз.

Совхозимизда йирик чорвачилик комплекси қурилди. Буни ҳам айтиб ўтиш керак. Шу йилнинг ўзида 554 тонна сут, 50 тонна гўшт етиштирамиз. Чорва моллар озуқа базасини мустаҳкамлаш мақсадида эски ва янги бедазорларни 1642 гектарга етказдик, 200 гектар майдонда маккажўхори ўстириб, силос ва дон тайёрлаймиз. Бошқа тармоқларни ҳам тезкорлик билан, план асосида тараққий эттирмоқдамиз.

Совхозимизнинг истиқболи янада порлоқ. Партия ва ҳукуматимизнинг ғамхўрлиги ва ёрдами билан ана шу порлоқ истиқбол сари дадил қадам ташлайверамиз.

Сурхондарё области. Областда пахта йиғим-терими қизғин тус олмоқда. Жарқўрғон район пахта тозалаш заводининг қабул пунктларига кунига 200—250 тонна «оқ олтин» келиб турибди. Завод коллективи қабул қилинаётган ҳар бир грамм пахтани нес.нобуд қилмай, «оқ олтин» тоғларини тезроқ бунёд этиш учун курашмоқда. Суратда: янги «оқ олтин» тоғлари. А. Усмонов фотоси. (ЎзТАГ).

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ»ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

## Масъулиятсизлик оқибати

**Редакция томонидан текшириш учун юборилган газетхонлар хатига Гулистон район халқ маорифи бўлимидан жавоб келди. Унда айтилишича, шикоят хатида келтирилган фактлар тўғри. Ҳақиқатан ҳам Ҳ. Сотиболдиев директор бўлган мактабнинг хўжалик ишлари мудири Ш. Алиқулов мактаб ремонтида қатнашган ишчиларга маошларини ўз вақтида бермаган. Бу ишга мактаб директори ҳам бепарво қараган.**

**Район халқ маорифи бўлими шу мактабда йўл қўйилган камчиликларга барҳам берилганлигини таъкидлаш билан бирга, Ҳ. Сотиболдиевга виговор эълон қилинганлиги ва Ш. Алиқулов ўз вазифасидан олинганлигини ҳам маълум қилади.**

## ПЛАНГА КИРИТИЛАДИ

**Редакция газетхон Т. Отаноновнинг хатини текшириш ҳамда чора кўриш учун Олтиариқ район Совети ижроия комитетига юборган эди. У ердан қуйидагича жавоб олинди: Энгельс номли колхоз территориясидаги артезиан қудуқлар ҳақиқатан ҳам меҳнаткашлар эҳтиёжига жавоб бермайди. Гарчи, тоза сувни дала шийпонларига етказиб бериш учун етарли транспорт воситалари ажратилган бўлса-да, қишлоқ хонадонларини сув билан таъминлаш нўнгилдагидек эмас. Шуларни ҳисобга олган колхоз правлениеси лойиҳа институти билан биргалиқда лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлашга киришди. Керакли ҳужжатлар тайёр бўлгач, колхоз қишлоқлари аҳолисини тоза сув билан таъминлаш планга киритилади.**

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИШЛАРИ КУНДАЛИГИ

# ҚИШЛОВ БЕХАТАР ЎТСИН

**Республикамиз колхоз ва совхозлари чорва моллар учун хашак тўплашни қизғин давом эттиряпти. Юзлаб механизациялашган емхашак тайёрлаш звеноларн, отрядлари ва бригадаларининг аъзолари кўплаб хашак, ўт уни, сенаж ва силос ҳозирламоқдалар. Чорва қишлови бошланишига бир ойдан озроқ вақт қолди, чорвадорларимиз долзарб қуларни бошдан кечирмоқдалар.**

**Хўжаликларимизда 1 миллион 300 минг тонна хашак тайёрланиб, план 77,5 процент бажарилди. Бу, ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 72 минг тонна кўп. Андижон, Сурхондарё, Тошкент, Самарқанд областларнинг чорвадорлари оқилона иш тутиб, планн топшириқни анча ошириб бажардилар. Бироқ, Хоразм, Бухоро, Қашқадарё областлари ва Қорақалпоғистон АССРда чорва қишловига тайёргарлик кўнгилдагидек эмас. Бу областларда хашак жамғариш плани 35,4 39,2, 46,2 процент, Қорақалпоғистон АССРда эса 57,3 процент бажарилди, холос.**

**Бу йил сенаж бостириш яхши боряпти. Республикамиз бўйича бу энг тўйимли озуқани тайёрлаш плани 118,2 процент адо этилди. Бироқ айрим хўжаликлар бу соҳа бўйича белгиланган планни бажарганларича йўқ. Қорақалпоғистон АССРда сенаж бостириш плани — 63 процент, Хоразмда — 68,3 процент ва Фарғона областида 85,2 процент ўринланди.**

**Силос бостиришда ўтган йилдаги кўрсаткичдан орқада қолиняпти, Республика бўйича икки миллион тоннадан кўпроқ силос бостирилди. Бу, йиллик планнинг 61,6 процентини ташкил этади. Қашқадарё областининг хўжаликлари ўтган йилдагига нисбатан 68,9 минг тонна кам силос бостирдилар. Ўтган йилдагига қараганда Сурхондарё области бўйича 53,3 минг тонна, Самарқанд области бўйича 47,9 минг тонна, Тошкент области бўйича 33,6 минг тонна, Бухоро области бўйича 27,5 минг тонна, Сирдарё области бўйича 14,8 минг тонна, Фарғона области бўйича 14,8 минг тонна, Қорақалпоғистон АССР бўйича 10,5 минг тонна кам силос бостирилганини таъкидлаб ўтиш ўринлидир.**

Витамини ўт уни ўтган йилдагига қараганда анча кўп тайёрланди. Лекин ҳамма хўжаликларда ҳам бу тўйимли, оқсил ва витаминларга бой озуқани кўпроқ тайёрлашга жиддий эътибор **берилаётир, деб бўлмайди. Масалан, Қорақалпоғистон АССРда витамин уни ишлаб чиқариш 9,9 процент, Сирдарё областида — 20,4 процент, Тошкент областида — 22,2 процент, Хоразм областида — 24,6 процент бажарилди, холос.**

**Бу йилги қулай об-ҳаво шароити узоқ йилларда дағал хашак тайёрлашни муваффақиятли ўтказиш имкониятини бераётир. Бироқ бу имкониятлардан кўп жойларда самарали фойдаланилмаяпти. Амударёнинг қуйи оқимида қамиш ўриш сусткашлик билан олиб бориляпти, Қизилжар массивида аҳвол ниҳоятда қониқарсиз!**

Кўпчилик хўжаликларда озуқа тайёрлаш технологияси бузиляпти. Дағал хашак ўз вақтида тўғри ғарамлаб қўйилмаяпти, сенаж ва силос бостиришда ғанимат фурсатлар қўлдан бериляпти. Траншеяларнинг усти вақтида беркитиб қўйилмаяпти. Натижада ҳаво кириб қолиб, озуқанинг чириш хавфи туғиляпти.

Чорвадорларимиз бутун резервлардан самарали фойдаланиб, қишловга тайёргарлик ишларини тез кунларда тугаллашлари, ҳар бир хўжаликда дағал хашак, йонцентрат тайёрлаш планларининг бажарилишини таъминлашлари керак. Шунда қишловни бехатар ўтказишга мустаҳкам замин яратган бўламиз.

# КИНО ВА ЗАМОН

**Яқинда Москвада кинематографчиларнинг Халқаро симпозиуми бўлиб ўтди. Кино санъатининг турли масалалари юзасидан фикр юритилган бу анжуманда санъатшунослик кандидати, танқидчи Ҳамидулла АКБАРОВ ҳам қатнашди. Қуйида биз унинг симпозиум фаолияти тўғрисидаги айрим фикр-мулоҳазаларини газетхонларга ҳавола қиламиз.**

Москвада VIII жаҳон кинофестивали ўз ишини муваффақият билан якунлагач, 30 га яқин мамлакатдан келган кино санъаткорлари, олимлари СССР Кинематографчилар союзи биносида йиғилдилар. Бир ҳафта давомида фильмлар кўрсатилди, навқирон санъатнинг тарихи, назарияси ва ҳозирги кундаги аҳволи ҳақида турли мамлакатлар вакиллари сўзладилар. Аввало шуни қайд этиб ўтиш керакки, КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежневнинг АҚШ, ГФР ва Францияга қилган сафарлари натижасида халқаро кескинлик маълум даражада юмшагани симпозиум ишига ҳам ижобий таъсир кўрсатди. Нотиқларнинг сўзларида аввало самимийлик сезилиб турди. АҚШ, Англия, Италия, Франция, Колумбия ва бошқа бир қатор мамлакатлар вакиллари Совет Иттифоқи халқларининг маданий ҳаёти ҳақида кўпроқ маълумот олишга интилганликлари, кўп миллатли кино санъатимизнинг тараққиётига қизиқиш билан қараётганликлари сезилиб турди.

Симпозиумда миллий анъаналар ва кининг бадиий воситалари ҳақида, фильмнинг философияси ва кинематографчиларнинг изланишлари ҳақидаги маърузалар тингланди. Шунингдек, томошабинларнинг кино асарларига бўлган муносабати, кинофикация ва кинопрокат масалалари ҳақидаги рақамлар, социологик тадқиқотлар натижалари ҳам келтирилди. Кўриниб турибдики, бу улкан киноанжуманда кўтарилган масалаларнинг барчасини биргина мақолада ёритиб бўлмайди. Шунинг учун биз бу мақолада ана шу симпозиумдаги ўзбек кино санъатига таллуқли савол-жавоблардан келиб чиқиб, фикр юритамиз.

Чет эл кинематографчиларини ҳозир Ўзбекистонда уч студия фильмлар ишлаб чиқазаётгани жуда қизиқтирди. Бадиий киноасарлар тайёрловчи «Ўзбекфильм», ҳужжатли-хроникал ва илмий-оммабоп фильмлар студияси ҳамда турли жанрдаги телевизион фильмлар ишлаб чиқарувчи «Ўзбектелефильм» мунтазам равишда ишлаб турибди. Республикамиз малакали мутахассисларга эга эканлигидан дарак беради. Бу, аввало, Коммунистик партиянинг иттифоқдош республикаларда, жумладан Ўзбекистонда санъатнинг тараққий этиши, махсус таълимга эга бўлган юксак малакали санъат арбоблари, маданият ходимларининг ўсиши, самарали ижод қилишлари учун қулай шароит яратиб бераётганининг натижасидир.

Ҳозир 15 иттифоқдош республикаларимизда турли фильмлар ишлаб чиқарилмоқда. Ана шу студиялар белгиларч билан чиққан асарларнинг энг яхшилари томошабинларга завқ бериш, уларни меҳнат зафарларига отлантириш билан бир қаторда, назарий фикр юритиш учун ҳам бой материал бермоқда ва катта эстетик қимматга эга бўлган асарлар сифатида ҳам эътибор қозонмоқда.

Чет эллик меҳмонлар халқимиз ҳаётини астойдил ўрганмоқчи, билмоқчи бўлганликлари сабабли мунозара, савол-жавоб фақат минбарда эмас, балки танаффус вақтида, фильмлар кўригидан кейин ҳам давом этди. «Кутамиз сени, йигит» фильмини олайлик (дарвоқе, «Ўзбекфильм» киностудиясининг бу асари симпозиум қатнашчиларига кўрсатилиб, мунозарага сабаб бўлди ва кўпчилик диққатини тортди). Бу асар қаҳрамони Тимур характерида аввало самимийлик ва сахийлик, олижаноблик ва софдиллик кўзга ташланади. Бу ўзбек йигитида биз совет кишиларига хос бўлган юксак фазилатларни кўрамиз. Тимур бошқа совет йигит-қизлари каби социалистик ахлоқ қоидалари принциплари билан қуролланган, инсонийлик, биродарликнинг қадрига етувчи, жамият, ўз коллективи манфаатларини шахсий манфаатдан устун қўювчи шахс сифатида намоён бўлади. Ў ўз халқининг типик вакили бўлиш билан бир қаторда, социалистик жамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлмиш Иттифоқимиз халқларининг олижаноб фазилатларини онги, характерига маълум даражада сингдириб олган ишчи, жамоатчи сифатида гавдаланади.

Бинобарин, «Кутамиз сени, йигит» фильмида миллий характер талқини ҳақида фикр юритиш учун фильмда тасвирланган воқеаларни, қаҳрамонларни совет воқеалиги билан, жўшқин социалистик ҳаёт билан бўлган узвий алоқасини кўра билиш, ҳис эта билиш керак. Симпозиумда фильмнинг ғоявий-бадиий савиясини белгилашда, миллий формаларни аниқлашда ана шу ҳолга эътибор бериш мақсадга мувофиқ бўлар, деган фикр ҳам билдирилди.

Ўзбек киношунослари бир неча бор фильм ва томошабин, фильм ва дубляж санъати масалалари ёритилмаётгани ҳақида афсусланиб ёзган, гапирган эдилар. Худди шу проблемалар юзасидан симпозиум қатнашчилари кенг аспектда фикр юритдилар. Дарҳақиқат, фильмнинг томошабинларга кўрсатаётган таъсири, кино халқимиз ҳаётида тутаётган ўрни ҳақида илмий тадқиқотлар ёзиладиган вақт келди. Бу хусусда мунозара кетганида биз фахр билан шуни қайд қиламизки, капиталистик мамлакатларда томошабинлар кинодан юз ўгираётган пайтда, Иттифоқимизда бу санъатнинг қадр-қиммати тобора ошяпти. Ҳар бир совет кишиси йилига ўрта ҳисобда 19 марта кинотеатрга боради. Бу — жаҳонда энг катта кўрсаткич! Демак, бу масала жиддий ўрганишга лойиқ.

Нега ўзбек фильмлари бошқа республикаларда муваффақият билан намойиш этилади-ку, Ўзбекистон томошабинлари диққатини нисбатан камроқ тортади? Бу масалани фақат прокат ташкилотларининг иши, реклама уюштирувчи корхоналарнинг фаолиятидаги нуқсон деб ўйлаш хато бўлар. Фильмларимизни кўрадиган томошабинлар контингентини аниқлаш ва ана шу кино мухлисларининг эстетик савияси қай даражада эканлигини аниқлаш лозим. Бунинг учун эса, социологик тадқиқотлар кенг кўламда олиб борилиши керак бўлади. Бу мураккаб иш дубляж санъати масалалари билан боғланган ҳолда олиб борилса янада самарали бўлар. Чунки бу ҳолда бир фильмнинг икки варианти — оригинал ва дубляж қилинган вариантини томошабинлар қандай кутиб олаётганини ўрганишга шароит туғилади.

Суратларда: V-Бутииттифоқ телефильмлар фестивалининг қатнашчилари. Юқоридаги суратда (чапдан ўнгга) Э. Р. Хаасма (Эстония), А. В. Чичинадзе (Грузия), Ш. В. Арчвадзе (Грузия), Х. Х. Лойт (Эстония), Д. Х. Гильманов (Целиноград), Р. А. Пену (Эстония). Пастдаги суратда: (чапдан ўнгга) М. К. Афанасьев (Куйбишев), Г. Ш. Имаев (Бошқирдистон), А. Г. Абдразаков (Бошқирдистон), Е. Л. Гольцман (Куйбишев) ўртоқлар.

И. Глауберзон фотолари.

Иттифоқдош республикаларда, марказий киностудияларда ҳамда чет элда яратилаётган фильмларни ўзбек тилига дубляж қилишда республикамиз санъаткорлари жонбозлик кўрсатмоқдалар. Уларнинг тажрибасини ўрганиш, умумлаштириш фойдали бўлар. Лекин айрим фильмлар паст савияда дубляж қилинаётганини ҳам қайд қилиб ўтиш керак. Бу нуқсон, аввало, фильмларга қайта овоз берадиган актерларни танлашга тегишли. Дубляж қиладиган актерлар доирасини, сценарийларни ўзбек тилига таржима қиладиган адиб ва кинематографчилар доирасини кенгайтириб бориш керак. Яна бир мулоҳаза — дубляж қилиш учун фильмларни танлашда талабчанлик кўрсатиш керак.

Халқаро симпозиумда иттифоқдош республикаларда фильмлар дубляж қилиниши масалаларига катта аҳамият берилди.

Совет Иттифоқида яна бир халқаро анжуман муваффақият билан ўтди. У чет эл санъаткорлари ва олимларини кўп миллатли кинематографиямизнинг ютуқлари ва турли проблемалари билан таништирди.

# Реклама ва эълонлар

## ТЕЛЕВИДЕНИЕ

### БУГУН

**БИРИНЧИ ПРОГРАММА.** 12.30— МОСКВА. 18.30 — ТОШКЕНТ. 18.35 — Ўқувчилар учун кўрсатув. 19.10 Беш йилликнинг ҳал қилувчи учинчи йили. 19.35 — Ахборот. 19.50 — Фестивал қатнашчилари билан учрашув. 20.30 — Шеърият мухлисларига. 20.40 — Ахборот. 21.00 — Қишлоқ хўжалик ходимлари учун кўрсатув ва концерт. 22.00 — «Вақт». 22.30 — Ёзувчилар — пахтакорларга. 22.50 — Туманлар тарқалганда (бадиий фильм). **ИККИНЧИ ПРОГРАММА.** 11.30 — ТОШКЕНТ. Ўқув кўрсатувлари. 17.20 — МОСКВА. 17.25 — Янгиликлар. 17.35 — Ешлар ижоди 18.05 — Ҳинд қишлоғи ҳақида очерк. 18.25 — Телефильм. 19.45 — **Футбол!** «Динамо» (Москва) — «Динамо» (Киев). 19.30 — Ноёб моллар — халққа. 20.00 — Санъат усталари концерти. 20.50 — **Қопқон** (фильм-спектакль). 22.00 — Физкультура ва спорт. 22.30 — Фильм-спектаклнинг давоми. **УЧИНЧИ ПРОГРАММА.** 10.00 — ТОШКЕНТ. V Бутииттифоқ телефильмлар фестивалига тақдим этилган, ҳужжатли, бадиий ва музикали фильмлар намойиши. 19.55 — Тошкент янгиликлари.

## ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 13/IX да **Олтин девор**, 14/IX да **Абу Райҳон Беруний.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 13/IX да **Жон қизлар**, 14/IX да **Ўжарлар.**

## КИНО

### ҚИШКИ БИНОДА

**Геркус Мантас** (2 серия — «ЎЗБЕКИСТОН» (10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 21.30), ҲАМЗА номли (11.30, 14.30, 20.30), «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (12.00, 15.00, 18.00, 21.00), «СПУТНИК» (12.00, 15.00, 18.00, 21.00), «ДРУЖБА» (12.00, 15.00, 18.00, 20.40).

**Фантомас** (1 ва 2 серилари) — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (9.00, 12.00, 18.00, 20.45).

**Филлар — менинг дўстларим** (2 серия) — НАВОИЙ номли (10.40, 14.00, 17.10, 20.20).

**Дайди** (2 серия) — «КЎКЧА» (11.00, 14.00, 17.20, 20.30).

**Привалов миллионлари** (2 серия) —САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқурун).

**Қизлар қасамёди** — «ВОСТОК» (жуфт соатларда), «ЧАЙКА» (кундуз ва кечқурун).

**Фанфан-Тюльпан** — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда).

**Изма-из** — «СПУТНИК» (11.00, 14.00, 17.00, 20.00).

**Бошсиз чавандоз** (2 серия) — «МОСКВА» (10.00, 19.30).

**Михай ботир** (2 серия) — «ДРУЖБА» (11.00, 14.00, 17.00, 20.00).

### ЁЗГИ БИНОДА

**Қизлар қасамёди** — «ФЕСТИВАЛЬ», ТЕЛЬМАН номли.

**Уч мушкетёр** — «ХИВА».

А. С. ПУШКИН НОМИДАГИ МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОҲАТ БОҒИДА

**17 сентябрь кеч соат 8 да ёш хонандалар Хайрулла ЛУТФУЛЛАЕВ ва Хадичахон АЛИМАРДОНОВА иштирокида**

**ЎЗБЕК ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИ АРТИСТЛАРИНИНГ**

**КАТТА КОНЦЕРТИ**

**Билетлар сотилмоқда.**

85-ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲУНАР-ТЕХНИКА ВИЛИМ ЮРТИ

**1973-1974 ўқув йили учун тўқувчилар ва йигирувчилар мутахассисликларига**

**ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ**

**8—10 синф ҳажмида маълумотли 15 ва ундан катта ёшдаги қизлар қабул қилинади.**

**Ўқиш муддати — бир йил.**

**Қабул қилинганлар ётоқхона, прописка, кунига уч маҳал иссиқ овқат, кийим-бош ҳамда ишлаб чиқариш практикаси даврида иш қаҳи билан таъминланадилар.**

**Билим юртини аъло баҳолар билан тугатганлар олий ва ўрта махсус ўқув юртларига имтиёзли равишда қабул қилинадилар.**

**Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, А. Қаҳҳор кўчаси (собиқ Заводская кўчаси), 34-уй.**

САВДО ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА

**РЕСПУБЛИКА «ЎЗТОРГОДЕЖДА» КОНТОРАСИ БАЗАСИДА**

куз мавсуми учун эркаклар, хотин-қизлар ва болалар кийимлари мавжуд.

**Справкалар учун Ўзбекистон ССРнинг ҳайма область марказларида жойлашган «Ўзторгодежда» базаларига учрашилсин.**

**«ЎЗТОРГОДЕЖДА.**



**ЎЗБЕКИСТОН ССР МАДАНИЯТ МИНИСТРЛИГИ ҲАМЗА НОМИДАГИ САНЪАТШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ**

**ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда театр санъати, музика санъати ва меъморчилик мутахассисликлари бўйича**

АСПИРАНТУРАГА **ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

**Ҳужжатлар — 1 октябргача қабул қилинади.**

Мурожаат учун адрес: Тошкент — ГСП, В. И. Ленин номли майдон.



**ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ НАШРИЁТ, ПОЛИГРАФИЯ ВА КИТОБ САВДОСИ ИШЛАРИ БЎЙИЧА ДАВЛАТ КОМИТЕТИНИНГ**

ЎЗБЕКИСТОН КИТОБ САВДОСИ БИРЛАШМАСИГА

бирлашма аппаратида ишлаш учун катта ревизорлар, бирлашманинг область бошқармаларида ишлаш учун катта бухгалтерлар

**КЕРАК**

Иш ҳақи-вақтбай — муко, фотли.

**Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Пролетар кўчаси, 4-уй — Аҳолини ишга жойлаштириш ва информация бюроси ҳамда район ижроия комитетлари ҳузуридаги инспекторларга учрашилсин.**



Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Телевидение ва радиоэшиттириш Давлат комитетининг коллективи маҳом ансамблининг бадиий раҳбари, Ўзбекистон ССР халқ артисти, академик Юнус Ражабийга акаси

**Шукур РАЖАБОВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти ректорати, партия ва касаба союз ташкилотлари бошланғич таълим педагогикаси кафедрасининг собиқ мудири

**Имомхон ҲУСАНХЎЖАЕВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Ядро физикаси институти дирекцияси ва жамоат ташкилотлари Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги, физика-математика фанлари доктори, профессор

**Эммануил Ильич АДИРОВИЧнинг**

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оиласига таъзия изҳор этадилар.


## Ўзбекистон Ахборот

ЎЗБЕКИСТОН ЧЕТ ЭЛЛАРГА

### БУГУН ЯХШИ, ЭРТАГА АЪЛО

**Самарқанд «Кинап» заводи коллективининг шиори шундай. Сифатли ва аниқ ишловчи кинотехника аппаратлари ишлаб чиқараётган бу корхонанинг довруғи бугунги кунда чет элларга ҳам тарқалган. Товуш таратувчи аппарат, электр кучлантирувчи приборлар, стабилизатор каби 30 дан зиёд турли хилдаги маҳсулотлар ишлаб чиқараётган корхонага буюртмалар тез-тез келиб туради.**

**Самарқандликлар ишлаб чиқарган аппаратлар ҳозирги кунда Москвадаги Съездлар саройида, пойтахтдаги кичик бадиий академик театр саҳнасида, «Замондош» ҳамда Пушкин номидаги ва Марказий болалар театрлари залларида узлуксиз ишлаб турибди. «Кинап» тамғаси босилган турли хил радио аппаратлар, шунингдек, томошабинларнинг кино асарларига бўлган муносабати, кинофикация ва кинопрокат масалалари ҳақидаги рақамлар, социологик тадқиқотлар натижалари ҳам келтирилди. Кўриниб турибдики, бу улкан киноанжуманда кўтарилган масалаларнинг барчасини биргина мақолада ёритиб бўлмайди. Шунинг учун биз бу мақолада ана шу симпозиумдаги ўзбек кино санъатига таллуқли савол-жавоблардан келиб чиқиб, фикр юритамиз.**

**Чет эл кинематографчиларини ҳозир Ўзбекистонда уч студия фильмлар ишлаб чиқазаётгани жуда қизиқтирди. Бадиий киноасарлар тайёрловчи «Ўзбекфильм», ҳужжатли-хроникал ва илмий-оммабоп фильмлар студияси ҳамда турли жанрдаги телевизион фильмлар ишлаб чиқарувчи «Ўзбектелефильм» мунтазам равишда ишлаб турибди. «Кинап» тамғаси босилган турли хил радио аппаратлар, шунингдек Олмаота, Ленинград, Кишинев, Рига каби шаҳарларда кўпчиликни мамнун этмоқда.**

**«Кинап» мосламалари совет кинотехникасининг ютуғи сифатида Осана ва Монреал шаҳарларида ўтказилган жаҳон кўргазмаларида юқори баҳо олди. Японялик мутахассислар бўлиб ўтган қишки олимпиада ўйинларига тайёргарлик кўриш кезлари Токиодаги айланма кинопанорамага овоз таратувчи аппарат ишлаб бериш учун самарқандликларга буюртма берилган мурожаат қилишди. Ҳозир «Кинап» маҳсулотлари Афганистон, Жазоир, Марокаш, Мўғилистон, Ҳиндистон, Сурия, Misр каби 30 дан зиёд Осиё — Африка мамлакатларига юборилиб турибди.**

**А. СУЛТОНОВ.**

ЎЛКАМИЗ НЕЪМАТЛАРИ

### ЮЗ АДРЕСГА

**БУХОРО, Бухоро область матлубот кооперациясининг ходимлари Уссурийск меҳнатчиларига 80 тоннадан кўпроқ сабзавот ва мева жўнатдилар. Бу — Бухоронинг саҳоватли ери инъомлари етказиб берилаётган юзинчи шаҳардир. Бу йил сабзавотнинг ўзидангина бу шаҳарга 17 минг тонна, икки баравар кўп мева-чева жўнатишга қарор қилинди.**

**Ўзбекистон қишлоқ матлубот кооперацияси тайёрлов системаларининг ходимлари умумиттифоқ фондига сабзавот ва полиз экинлари маҳсулоти етказиб бериш планини бажарай деб қолдилар. Темир йўлларда беш йилликнинг учинчи йилида йиллик планни бажариш ҳисобига ана шу қишлоқ хўжалик маҳсулотининг сўнгги тоннаси жўнатилмоқда. «Ўзбекбирлашув»да ЎзТАГ мухбирига хабар қилишларича, Россия Федерациясининг шаҳарлари ва саноат марказларига ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан неча ўн минг тонна кўп сабзавот ва полиз маҳсулотлари етказиб берилган. Колхоз ва совхоз далаларида етиштирилган ҳосил кооператорларга маҳсулот тайёрлаш планини ошириб бажариш, меҳнаткашлар дастурхонига кўплаб деҳқончилик маҳсулотлари тортиқ қилиш имконини беради.**

ДАМ ОЛИШ ДАРГОҲЛАРИДА

### УГАМ БЎЙЛАРИДА

**Угам ҳам Чирчиқ дарёсига қўшилади. Шўҳоқар дарёнинг соҳилларн нўрнам ва серфайз. Тоғ ҳавоси ёлиб туради. Кишига ором бағишловчи бундай хушманзара ерларга дам олиш уйларн ва санаторийлар жойлашган.**

**«Ҳумсон» санаторийси ҳам меҳнаткашларнинг севимли маскан. ларидан ҳисобланади. Оромгоҳ территориясининг бир бағри Угам дарёсига туташ. Бундан ўн бир йил муқаддам ташкил топган дам олиш уйи бугунги кунда ҳар томонлама қулай шифохонага айлан. ган. Дам олиш уйида ўтган йилдан бери асаб ва юрак касаллигига чалинганлар шифо топмоқдалар. Малакали врачлар, медицина ходимлари беморларга парвона.**

**Санаторий территорияси кенгайтирилмоқда. Бир пайтлар 100 нафарга етар-етмас ишш дам олган бу даргоҳда ҳозир 200 дан зиёд кишн хордиқ чиқармоқда. Тўрт қаватли янги корпус биносини бунёд этишга ҳозирлик кўрилмоқда.**

**М. ДАВРОНОВ, Н. ФАЙЗИЕВ.**

## Спорт. Спорт. Спорт.

ШАХМАТ

### ВАҚТ ОЗЛИК ҚИЛДИ

Бразилиядаги зоналараро турнир якунланадиган куни ҳамма нарсани чигаллаштириб юборган Полугаевский билан Портиш бўлди. Мекиндан кейинги иккн ўриндан бирини нақд қилиб қўйган Ефим Геллер Портишдан ўпкалаб: «Ўзига ҳам қилмади, бошқага ҳам» деган фикрни хаёлидан ўтказган бўлса ажаб эмас. Негаки, агар Лайош Портиш ютганда ёки дуранг қилганда Геллер ўз-ўзидан тож даъвогари даражасига кўтариларди. Аммо у рўй берган воқеадан балки хурсанд бўлгандир... Нега дейсизми? Ахир ватандоши Лев Полугаевский хавфли рақиби Портишни енгиб чиқиб, совет шахмат мактаби шаънини улуғлади-ку! Масаланинг бу томони тантана қилиб, Геллернинг кўнглини ром этгани аниқ.

Шундай қилиб, икки йўлдошга тақдири уч гроссмейстер орасида талаш бўлиб қолган эди. Мана орадан бир ой ўтгач, қўшимча матч-турнир ҳам бошланиб кетди. Югославиялик тажрибали мутасаддилар иштирокчиларга қулайлик туғдириш мақсадида мусобақа учун курорт жой — Порторож шаҳрини танладилар.

Иштирокчилар ўртасида қуръа ташлангач, биринчи давранинг дастлабки турида совет вакиллари ўзаро «жангга кирдилар. Бу узоқ давом этадиган турнир эмаски, вақтинча, дурангга, қўниб турилса, беш соатлик кеснин ва мураккаб қураш 38-юришда Лев Полугаевскийнинг ғалабаси билан тугади. «Совет вакиллари мусобақаларда бир-бирларини қўлабқувватлаб, бошқаларни қисиб чиқаришга интилдилар» қабилида лаҳн мулоҳаза юритадиганлар қани энди яна бирон бир баҳона топиб кўрсинлар-чи!

Иккинчи турда Геллер қора доналарда Лайош Портишга қарши ўйнади. Томонлар фарзин гамбитининг машҳур карлсбадча усулини ишга солдилар. Барча чигаллиқларни ёзиш учун ажратилган беш соат вақт камлик қилиб қолди. Учрашув кечиқтирилди. Умумжадвалга кўра, Геллер биринчи, Полугаевский иккинчи ва Портиш учинчи ўринда турибдилар. Бинобарин, тўрт даврали мусобақада уч иштирокчининг натижаси бир хил бўлиб қолган тақдирда ёки у иккинчи, учинчи ўринларга илинганда Портишнинг аҳволи танглашади: учинчи турдаги Полугаевский — Портиш ўйини ҳам кечиқтирилган эди. Эртасига ўйинлар давом эттирилганда Портиш Геллер билан дуранг қилиб, Полугаевскийни ютди. Кейинги турда Полугаевский Геллерни иккинчи марта маглуб этди.

### УСТОЗНИ ХОТИРЛАБ

Рус шахматчилари орасида биринчи бўлиб халқаро майдонга чиққан Михаил Иванович Чигориндир. У чиндакам рус мактабининг асосчиси саналади. Ўз Ватанида қадимий ўйиннинг толмас тарғиботчиси, жаҳон шахматига муносиб ҳисса қўшган Чигорин хотирасига бағишланган дастлабки халқаро мусобақа бундан чорак аср муқаддам ўтказилганди. Ўйин Ботвиннинкинг ғалабаси билан тугаган эди.

Шу кунларда Сочи шаҳрида анъанавий ўйиннинг навбатдаги тўққизинчиси давом этмоқда. Унда саккиз мамлакатдан ўн гроссмейстер ва олти таниқли мастер иштирок этяпти. Турнир залини тўлдириб ўтирганлар кунига саккизта ажабтовур шахмат партиясини кўриб завқланмоқдалар. Учинчи турда ўйнаган Таль — Спасский учрашуви қизиқарли бўлди. Лекин ўйин тугалланмай қолиб, кейин дуранг бўлди.

Мусобақанинг биринчи ярми тугади. Совет гроссмейстерлари Спасский, Суэтин, Холмов, чехословакиялик Смейкал, голландиялик Тимман ва бошқалар олдинга ўтиб олишди.

**М. МУҲИДДИНОВ, СССР спорт мастери.**

СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ

### ДАСТЛАБКИ УЧРАШУВ

Ўзбекистон кубоги учун қураш ғолиби — Самарқандниг «Строитель» командаси футболчилари мамлакат совринн учун дастлабки учрашувни ўтказишди. 1/16 финал учрашувида самарқандлиқлар Ворошиловград областининг Свердловск шаҳридан келган «Шахтёр» командаси ўйинчиларини қабул қилишди. Лекин мамлакат кубоги учун дастлабки қураш «Строитель» командаси учун омадсиз келди. Меҳмонлар самарқандлиқлар дарвозасига жавобсиз уч тўп киритиш билан ғалаба қозондилар.

### КЎПКУРАШ ҒОЛИБЛАРИ

Республикамиз комсомол қурилишларида меҳнат қилаётган ёшларни спортга кўпроқ жалб этиш мақсадида спартакиада мусобақалари ўтказилмоқда. Республика зарбдор комсомол қурилишлари II спартакиадаси деб ном олган мусобақаларга спортнинг ўн турн киритилган, Дастлабки стартлар Бутииттифоқ физкультура комплекси — ГТО кўпкураши бўйича берилди. Бухородаги «Спартак» стадионида мусобақаларнинг бошланишига бағишланган маросим бўлиб ўтди. Кейин ГТО босичлари бўйича республикамизнинг турли қурилишларидан келган йигит-қизлар ўзаро куч синашишга киришдилар. Улар орасида Самарқанддаги «Химпромстрой», Сирдарё ГРЭСи, Олмалиқдаги «Свинецстрой», Андижондаги «Гидрострой», Чорвоқ ГЭСи, Тахиатош ГРЭСида меҳнат қилаётган спортчи ёшлар бор.

Бухородаги стадионнинг югуриш йўлкалари, спорт майдончаларида область комсомол, спорт комитетининг ўнта совринн учун курашда голиблик қилган спортчилар ҳам аниқланди. Жумладан, ГТО IV босичи бўйича самарқандлик Л. Холкина билан бухоролик И. Нигматдзянов, V босичда бухоролик Е. Захарова, III босичда Н. Евтушенко, Р. Хаитов (Андижон) ва бошқалар комплекс нормативларини муваффақиятли бажаришди. Спартакиада мусобақалари давом этмоқда.

### ЖИЗЗАХЛИК НИШОНДОР

Жиззахлик Неъмат Темиров армия хизматига чақирилмасдан илгари ҳам спорт билан шуғулланарди. Унинг спорт билан эрта ошнолашгани солдатлик хизматини ўтаётган бугунги кезларда қўл келмоқда. Темиров солдат-тенгқурлари орасида чаққон ва чапдастлиги билан эътибор қозонмоқда. У дастлабки марта юз метрга югуришда муваффақият қозонганди. Яқинда у «Труд» командасида область биринчилиги учун бўлган мусобақада иштирок этиб, яна бир ютуққа эришди. Бир километрлик масофани 3 минуту 15 секундда босиб ўтиб, маррага иккинчи бўлиб келди. Темировнинг бу ғалабаси ГТО иккинчи босичи бўйича қумуш нишондор бўлишини таъминлади. Ўзбекистонлик спортчи энди республика биринчиликларида иштирок этиш учун қозирлик кўрмоқда.

**Ҳ. ШУКУРОВ.**

СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ


Редактор М. ҚОРИЕВ.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700.029, ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 26 ◆ ТЕЛЕФОНЛАР

Эълонлар — 338142. коммутатор — 330249 дан 330258 гача.

Б. — № 216. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. Р. — 04317.